O'zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru ✱ www.uzhurriyat.uz ✱ 2020-yil 29-yanvar, chorshanba ✱ № 5 (1169)

КАРВОН ҲАМОН ЙЎЛДАДИР...

— Буюк ипак йўлининг Жиззах воҳаси учун ҳам аҳамияти катта бўлган. IX–XI асрларда Араб халифалиги пойтахти Бағдоддан бошланган карвон йўли бу даврда ниҳоятда серқатнов бўлиб, Эроннинг Басра, Кошон ва Рай шаҳарлари орқали Хуросоннинг пойтахти Марвга келган. У ердан Амударёнинг чап соҳилидаги Амул шаҳрига (Чоржўй) у ердаги кечув орқали ўтган.

⇨ 2-3-бет

«БОШҚА ФУТБОЛ КЎРМАЙМАН ДЕЙСАН-У...»

Аммо... Ўйин сўнггида негадир ўйинчиларимиз газонга ётиб олишди, худди Таиланд чўққисини забт этганлар каби. Ё ўзларини аламзада кўрсатишдими? Ахир, ўйиндан маълум бўлди-ку, Австралия жамоаси учинчи ўринга лойиқ ўйин кўрсатмади, футболчиларимизнинг "назокатли" ўйини эвазига ғолиб бўлишди.

⇨ 5-бет

РОСТАН ҲАМ ЎҚИШГА ВАҚТ ЙЎҚМИ?

Баъзи қасрга ўхшаш уйларга кириб, хонадонида биронта китоб йўқлигини кўриб хунобингиз ошади. Бундай хонадон эгалари эса четнинг фалон машинаси-ю фалон доллар турадиган мебели билан мақтанишни хуш кўришади.

⇨ 8-бет

ЯНГИЛИКЛАР ✱ ХАБАРЛАР ✱ ВОҚЕАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 январь куни "TASHKENT PHARMA PARK" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Қарорда инновацион ва юқори сифатли дори воситаларини, тиббий буюмлар ва тиббий техника воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, фармацевтика соҳаси мутахассисларини халқаро таълим стандартлари асосида ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича тайёрлашни, фармацевтика таълимининг халқаро илмий ҳамжамият тизимига изчил интеграциялашувини таъминлаш ва республикада фармацевтика тармоғини янада ривожлантиришнинг тизимли чора-тадбирлари белгиланган.

Ўзбекистон ҳукумати ва Жаҳон банки ўртасида маслаҳат хизматлари тўғрисида битим имзоланди. Бундан кўзланган мақсад мамлакат фуқаро авиациясини модернизация қилишга кўмаклашишдан иборат.

«Хавфсиз, ишончли ва самарали авиация соҳаси мамлакатда савдо, бизнес ва туризмни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Биз ҳукумат билан бу йўналишдаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаймиз. Ишонаманки, муносабатларимиз Ўзбекистон иқтисодиётининг янада ўсишига, ривожланишига хизмат қилади», – деди Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори.

2019 йилнинг ноябрь ойида SamAuto компанияси томонидан ISUZU D-Max пикаплари тақдимоти ўтказилганди ва олдиндан буюртманинг очилиши ҳақида хабар берилганди.

Ушбу автомобиллар 3 та модификация ва 7 та рангда тақдим этилган бўлиб, нархи 270 миллиондан 380 миллионгача сўмни ташкил этади.

«Тошкент — Андижон» пуллик автомобиль йўлини қуриш лойиҳаси доирасида Қамчиқ довонида «Йўл харитаси»да белгиланган талабларни бажариш мақсадида пулли туннел қурилади.

Мазкур Тошкентни водий вилоятлари билан боғловчи пуллик йўлни қуриш ишларини 2026 йилгача якунлаш режалаштирилмоқда.

Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси акциядорлик жамиятида электр энергияси узатишда тармоқдаги йўқотишларга барҳам бериш, ускуналарни зўриқишдан муҳофаза қилиш мақсадида қувват сарфини ишончли назорат қиладиган компьютерлаштирилган тизим соҳага татбиқ этилди.

Жамиятнинг алоқа бўлими бошлиғи Одилжон Нуриддинов раҳбарлигидаги мутахассислар гуруҳи томонидан амалиётга жорий қилинган «Radiomer» – мнемосхема автоматлаштирилган тизими ҳудуддаги нимстанциялардан узатилаётган қувват миқдорини назорат қилиш имконини яратди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

"Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади".

МУНОСАБАТ

Очиқ жойга тушар қуёш нури ҳам

Бугун оммавий ахборот воситалари – радио ва телевидение, босма ва интернет нашрларини кузатган киши бир нарсага амин бўлади. Мамлакатимизда кечаётган жараёнлар ҳақида одамларимиз эмин-эркин ўз фикрларини билдиришмоқда. Бир масалага турлича ёндашувлар кўзга ташланаётир. Баъзида ошкора мулоқотлар турли баҳс ва мунозараларга ҳам сабаб бўлаяпти. Сўз ва матбуот эркинлиги шахсий муносабатлар доирасидан кўтарилиб, тобора ижтимоий аҳамият касб этмоқда.

Бунга бош сабаб, жамоатчилик уч йил муқаддам Президент тақдим этган Ҳаракатлар стратегиясидан мақсад — қоғозда эмас, амалда ҳаётни яхшилаш, одамларни рози қилиш, мамлакатни обод этиш, ўзбек халқи ва жонажон Ўзбекистонимизнинг бутун дунёда обрў-эътиборини юксалтириш эканини ўз кўзлари билан кўриб, ўз ҳаётлари мисолида ҳис этмоқдалар.

Ижтимоий сиёсий ҳаётда ҳар қандай ғоя аҳамияти, биринчи галда, унинг халқ манфаатларига нечоғли мувофиқ эканига кўра белгиланади. Ўтган ҳафта, шу маънода, халқ манфаатига дахлдор кўплаб масалалар ҳал этилган, истиқбол аҳамиятига молик кўплаб ғоялар илгари сурилган етти кунлик, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, тарихий ҳафта бўлди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси – шу тарихий ҳафтанинг гултожи, истиқболимизнинг дастури. Барча соҳаларда тараққиётимиз келажаги белгилаб берилган Мурожаатнома бамисоли жўшқин дилнома каби юракларни ижобий маънода ларзага солди, тўлқинлантириб юборди, ишимизда иштиёқ ишонч ва рағбат уйғотди.

3

ШУНДАЙ ДЕДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Молия вазири Жамшид ҚЎЧҚОРОВ:

– Прописка масаласида гапирадиган бўлсам, аввало, у ҳеч жойда йўқ. Бу бизда ҳам бекор қилиниши лозим…

Тошкент 5 миллионлик катта шаҳарга айланиши керак. Катта шаҳарлар иқтисодиётни тез ривожлантиради. Драйвер бўлади. Нима учун Президентимиз урбанизация масалаларига урғу берди? Ипотека масалаларига тўхталди? Прописка чеклов бўлса ипотека ҳақида гапириб бўладими? Ипотекасиз, урбанизациясиз ривожланиш бўлмайди.

"Журналист ҳақиқатни айта олмаса, ҳеч бўлмаса ёлғон гапирмасин"

"Оддий ҳақиқатлар" кўрсатуви муаллифи Гулмира Мусажанова бугунги матбуот, телевидениедаги ички «цензура» ва юқори маош таклиф қилган хусусий телеканалга нима сабабдан ишга ўтмагани ҳақида.

4

Барча ислоҳотлар негизида адолат акс этмоқда

Бирор вокеа ҳаётингизни тубдан ўзгартиришига, айниқса, ижобий томонга ўзгартиришига ишонсангиз, уни интизорлик билан кутасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламентга қиладиган Мурожаатномаси ҳам ўтган давр мобайнида шундай вокеликка айланди.

Аҳамиятлиси, ушбу Мурожаатномани нафақат парламент аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, ижро ҳокимияти, зиёлилар, балки бутун халқимиз, барча-барча кутадиган бўлди. Чунки улар ҳар йили давлат раҳбарининг парламентга мурожаатида ўз ҳаётини яхшилашга оид янги фикр, янги ғоя, янги ташаббуслар янграшини билишади.

Бу йилги Мурожаатноманинг ўтган йиллардагисидан асосий фарқи — ушбу Мурожаатнома янги парламент ва янги ҳукуматга йўлланди ва мазмунан, нафақат 2020 йилни, балки келгуси 5 йилликни қамраб олганидадир.

Мурожаатномани тинглаганлар кутилган умидларидан зиёдроқ нарсаларни олди, деб ўйлайман. Чунки унда бир қатор тарихий ташаббуслар янгради.

Жумладан, олий таълимга қабул квоталарини доимий равишда ошириб бориш, кириш имтиҳонларини соддалаштириш, давлат грантини икки бараварга кўпайтириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорлар учун бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, дориларнинг электрон реестрини яратиш, ўқитувчи ва шифокор мақомини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг ойлик иш ҳақларини ошириш, коррупцияга қарши курашиш, ички ишлар органларини халқона тизимга айлантириш каби таклиф-ташаббуслар барча-барча юртдошларимизни юрагигача етиб борди, десак, муболаға бўлмайди.

Юқорида тилга олинган муаммолар биз сайловлар арафасида партия Сайловолди дастурини шакллантириш жараёни ва сайловолди учрашувларида халқимизни анча йиллардан бери қийнаб келаётган муаммолар эканлигига гувоҳ бўлганмиз. Шунинг учун бир қатор муаммоли масалаларни партия Сайловолди дастурига киритиб, устувор вазифамиз сифатида белгилаб олган эдик. Бугун юқори минбардан туриб яна бир бор ушбу масалаларга эътибор қаратилгани ва ечимлари кўрсатиб берилгани бизни қувонтириши билан бирга зиммамизга алоҳида масъулият ҳам юклайди. Демак, энди Мурожаатномада кўрсатиб берилган вазифалар бекаму-кўст бажарилиши ва унинг ижросини назорат қилиш бўйича фракция ва жойлардаги маҳаллий Кенгаш депутатларимиздан алоҳида масъулият талаб этилади.

Президент нутқида алоҳида диққатимизни тортган яна бир масала борки, бу "прописка" масаласидир. Ушбу муаммо узоқ йиллардан бери кўплаб фуқароларимиз ва жамоатчиликнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлиб келаётган эди. Айнан шу сабаб партия Сайловолди дастурига "пропискадан ўтиш" тизимига янгича ёндашиш, фуқароларимизнинг ўз хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, доимий яшаш жойини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминловчи ҳуқуқий асосни босқичма-босқич такомиллаштириб бориш" масаласи киритилди. Сайловолди дебатларда, учрашувларда рақиб партиялар томонидан ушбу фикр яқин йиллар ичида ечимини топмаслиги ва сайловчилар овозини олиш учун қилинган популистик чақириқ, деганга ўхшаш эътирозлар ҳам бўлганди.

Бугун давлат раҳбари томонидан узоқ йиллар давомида халқимизни қийнаб келган ана шу прописка деган адолатсиз тизимни бартараф этиш вақти келгани таъкидлангани кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлди.

Жорий йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилгани ҳам мамлакатимизнинг келгуси 10 йилликдаги асосий йўналишини белгилаб беради. Зеро, илм-фанни ривожлантирмасдан туриб, ёрқин келажакни тасаввур этиб бўлмаслиги айни ҳақиқатдир. Келажак фаровон бўлишини истар эканмиз, иқтисодиётни ва барча соҳаларни рақамлаштиришга эришишимиз даркор.

Рақамли иқтисодиётни ва технологияларни ривожлантириш соҳалар ривожига таъсир этиш билан бирга кўплаб соҳаларда коррупцияни бартараф этишнинг самарали воситаси ҳамдир. Бу орқали биз мазкур иллатнинг оқибати билан курашишни тўхтатиб, уни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаб, партия дастурида белгиланганидек, илдизи билан қуритишга эришамиз.

Мурожаатномада қайд этилганидек, коррупцияга қарши курашиш мамлакатимизнинг навбатдаги ислоҳотлар даврининг энг асосий йўналишларидан бирига айланмоқда. Бежизга Президентимиз "Бу иллатни йўқотмасдан туриб олдимизга қўйган бирорта вазифани бажара олмаймиз", дея таъкидламади. Эндиликда мазкур "оёғимиздаги кишан"га қарши сўзда эмас, амалда жиддий кураш бошланмоқда. Бу курашга масъул қилиб аввалгидек, турли идоралар ёки жамоатчилик асосидаги комиссиялар эмас, алоҳида, кучли орган белгиланди. Парламент олдига ҳам соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Бу борада Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ҳам ўз таклифлари ва дастурий йўналишлари бор. Маълумки, мазкур иллат билан курашишни фақатгина давлат органларига юклаб қўйиш билан керакли натижага эришиб бўлмайди. Бунда энг асосий восита, ечим, курашга кенг жамоатчиликни, фуқароларимизни, халқимизни фаол жалб қилиш лозим бўлади. Бунинг учун, аввало, мазкур масалаларни қонунчиликда акс эттириш керак.

Умуман олганда, жамоатчиликни ислоҳотларда ҳаракатлантирувчи кучга айлантириш Мурожаатноманинг бош ғояларидан бири бўлди, десак асло адашмаймиз. Эндиликда, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигининг аниқ белгиланиши қайд этилди.

Мурожаатномада илгари юксак минбарларда янграмаган яна кўплаб ташаббуслар, ғоялар, вазифалар илгари сурилди. Улардан ҳар бирининг тўлиқ ижросини таъминлаш, ҳаётга татбиқ этиш натижасида мамлакатимиз тараққиёти янада жадаллашувига эришилади.

Энг асосийси, фаровон ҳаёт, ривожланган Ўзбекистон биз учун энди узоқ келажак эмас, балки қилинаётган ишлар, олиб борилаётган ислоҳотлар орқали биз буюк келажакка тобора яқинлашмоқдамиз. Буни халқимиз ҳам ич-ичидан сезмоқда, эртаси фаровон бўлишига ишонмоқда. Бизнинг асосий вазифамиз эса белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш орқали ана ўша ишончни оқлашдан иборат.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси менда ҳам катта таассурот қолдирди. Сайлов Кодекси кучга киргандан сўнг сайланган парламент, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи марта тасдиқланган Вазирлар Маҳкамаси аъзолари олдида қилинган Мурожаатнома илк маротаба телевидениенинг кўплаб каналларида тўғридан-тўғри узатилди.

Муҳим ва ҳаётий вазифалар

Мурожаатномада 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар хусусида сўз борди. Энг муҳими, давлатимиз раҳбари барча давлат ҳокимияти органлари олдида турган долзарб ва муҳим вазифаларга тўхталиб, уларни ҳал этиш механизмини кўрсатиб бердилар.

Бугунги кунда дунёда энг ривожланган давлатлар ҳам фақат илм-маърифат орқалигина тараққиётга эришаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан, болаларни тарбиялашдан иқтисодиётни ривожлантиришга қадар бўлган барча ислоҳотларда илм-фан ютуқларига таянилсагина, юксак мақсадларга эришиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Турли соҳалардаги фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун грант маблағлар ажратиш механизмини такомиллаштириш ҳамда илм-фан ютуқларининг электрон майдонини яратиш, замонавий ишланмалар базасини шакллантириш муҳим вазифалар сифатида белгиланди.

Республикамизда ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш соҳасида тизимли ишлар қилинмоқда. Лекин шиддат билан ривожланаётган даврда замон билан ҳамнафас бўлиш учун доимий изланиш, янгиликка интилиш ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу авваламбор, иқтисодиётимизни янада тараққий эттириш, унинг барча соҳаларига ахборот технологияларини жорий этиш ва шу асосида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни тақозо этади.

Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, унинг учун ёш кадрларни тарбиялаш, "Бир миллион дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш, давлат бошқарув тизимида замонавий усулларни қўллаш бюрократик бошқарувдан буткул қутилишга хизмат қилади.

Республикамиз ҳудудларида "IT парк"ларнинг ташкил этилиши келажакда барча соҳаларда "рақамли асосда" давлат хизматлари кўрсатишидан дарак беради. Шу билан бирга, дунё бозорларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни, шу жумладан, дастурий маҳсулотларни электрон майдонлар орқали сотиш имкониятини яратади ҳамда хизмат кўрсатиш экспортининг ўсишига олиб келиши шубҳасиздир.

Хусусан, "Ўзагросуғурта" АЖ тизимида ахборот технологияларни ривожлантириш, аҳолимизга, биринчи навбатда, ёшларга, тадбиркор ва фермерларимизга электрон хизмат кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Мисол учун, 2020 йилда Жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалар қаторига суғурта хизматларини электрон асосда амалга ошириш, барча ҳисоботларни қоғоз шаклидан воз кечиб, уларни электрон дастур асосида шакллантириш ва умумлаштириш, халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ва молия ҳисоботларига ўтиш масалалари шулар жумласидандир.

Ўйлаймизки, Мурожаатномада таъкидланган муҳим вазифалар, хусусан, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш каби муҳим ишларни амалга оширишда "Ўзагросуғурта" АЖ ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
"Ўзагросуғурта" АЖ бошқаруви раиси.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

КАРВОН ҲАМОН

ёхуд қадимий Жиззахнинг Буюк ипак



«Мен салом ва тинчлик йўллайман".

Соҳибқирон Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га 1402 йилда юборган мактубидан.

...Қуруқшаган сахролару яшил водийлар, кўркам воҳаларни босиб, қадим йўллардан узун-узун карвонлар келаётир... Неча тоғлар, чўққиларни ортда қолдириб, мушку анбар, гўзал бегойимлар эгнига зеб берувчи ипагу адрас ва атласларни, хонзодалар жамолини акс этгувчи хитойи кумуш кўзгулар, нодир ёдгорликлар, асарлар, бутун илму маърифатни ортиб, оғир-оғир карвонлар бормоқда... Улар келгусида мағриб билан машриқни туташтирувчи, турфа элату миллатлар маданиятини бирлаштирувчи, Буюк ипак йўли деб аталмиш улуғ йўлга асос солишларини хаёлларига ҳам келтирмаган...

Манбаларда турли тарихий даврларда карвон йўллари турлича бўлгани битилади. XIV аср бошлари ва XV асрларда — Амир Темур даврида савдо йўлларига катта эътибор қаратилган. Уларни ривожлантириб ва қўриқлай туриб, у Ҳиндистон, Венеция, Франция, Испания ва Англия, Хитой, Мисрга элчилар жўнатади. "Салом ва тинчлик йўллайман" — Соҳибқирон Амир Темурнинг 1402 йилда Франция қироли Карл VIга юборган мактуби шундай номланиб, унинг нусхаси орадан 600 йил ўтгандан сўнг, 1996 йилнинг майида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовга Франциядаги дўстона ташрифи чоғида топширилган.

ИПАК ЙЎЛИНИНГ МАРВАРИДИ

Буюк ипак йўлида Жиззах муҳим аҳамиятга эга шаҳар-қўрғондир. Шаҳар икки йўл кесишуви, чорраҳасида пайдо бўлган, X асрда мазкур йўлдаги юк тушириш ва ортиш жойи саналган. Қадим тарихий манбаларда Дизак номли шаҳар учрайди, у Уструшона таркибига кирган. XV асрда, Темур ҳукмронлигидаги янги давлатда Жиззах йирик маданий ва иқтисодий марказга айланди. Бу борада ЎзФА археологик тадқиқотлар институти директор ўринбосари, Жиззах археология экспедицияси бошлиғи Мухтор Пардаев шундай дейди:

— Буюк ипак йўлининг Жиззах воҳаси учун ҳам аҳамияти катта бўлган. IX–XI асрларда Араб халифалиги пойтахти Бағдоддан бошланган карвон йўли бу даврда ниҳоятда серқатнов бўлиб, Эроннинг Басра, Кошон ва Рай шаҳарлари орқали Хуросоннинг пойтахти Марвга келган. У ердан Амударёнинг чап соҳилидаги Амул шаҳрига (Чоржўй) у ердаги кечув орқали ўтган. Бухоро воҳасидаги туркий савдогарлар шаҳри Пойкентга етган. Кейинги катта тўхташ жойи ҳунармандлар шаҳри, савдо сотиқ маркази бўлган Самарқанд, ундан кейин эса Жиззахга келган. Жиззахнинг Буюк ипак йўлидаги иқтисодий, ҳарбий стратегик аҳамияти шунда бўлганки, бу шаҳардан кейин карвонлар чўллар билан қопланган ҳудудга чиққан. Айнан Жиззахдан кейин карвон йўли учга ажралади. Биринчи йўл Жиззах — Равот — Зомин — Сабот — Шаҳристон (Ўратепа) — Ашт дашти орқали Фарғона водийсига, сўнг Ўш орқали Хитойга йўналган. Иккинчи йўл Жиззах — Қоратепа (Даштобод) — Ховос — Хўжанд — Фарғона водийси ва яна Ўш орқали туташиб Хитойга кетган. Учинчи йўл қисқа, яқинроғу лекин ичар суви камроқ бўлган Мирзачўлни кесиб ўтган, яъни Жиззах — Сардоба — Мирзаработ — Яккасардоба — Сирдарё кечуви, Тошкент воҳаси ва Еттисув — Турфон орқали Хитойга чиқилган.

Тадқиқотлар натижасида Жиззах воҳасининг ғарбий сарҳадлари бўйлаб бир йўл аниқланганки, бу Самарқандни четлаб ўтган, яъни бугунги кун тили билан айтганда транзит йўл ҳисобланган. Демак, Бухоро, Пойкент орқали келган карвонлар Нурота орқали Фориш туманига, унинг маркази Боғдонга, ундан кескин шимолга бурилиб, Хонбанди сув омбори, Калтепа карвон саройи орқали Сирдарё кечувидан ўтиб, ҳозирги Қозоғистон ҳудудларига, у ердан Ўтрор, Еттисув, Турфон бўйлаб Хитойга кетган. Жиззахнинг Буюк ипак йўли фаолиятида нақадар аҳамиятли ҳудуд бўлганини шундан ҳам кўриш мумкин.

МАРСМАНД ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?

Дастлаб VII - XII асрларда, сўнгра IX-XII асрларда Жиззах воҳасида иқтисодий кўтарилиш даври ҳукм сурган. Марсмандда, Жиззах яқинида ҳар ойнинг биринчи санасида халқаро савдо ярмаркаси ташкил этилган. Жун, мато ва кийимлар, ипак, заргарлик ва металл буюмлар савдоси бўлган. Тарихчи ибн Хавқал Уструшонанинг Минк ҳамда Марсмандда ҳатто руда қазиш ва уни қайта ишлаш ривожланганлигини ёзади.

— Жиззах шаҳрининг шарқий қисмида Жиззах-Пахтакор автойўли ёқасида Жиззах шаҳрининг қадимий ўрни Дизак Қалиятепа сақланиб қолган, — дейди Мухтор Пардаев. — Ёзма манбаларда келтирилишича, Жиззахда ниҳоятда кўп карвонсаройлар, работлар фаолият кўрсатган. Таъкидланишича, улар жуда обод, ҳамма вақт савдогарлар учун эшиклари очиқ бўлган. Манбаларда Дизак шаҳрига яқин ерда Марсманд деган шаҳар бор, у ердан темир рудаси қазиб олиниб, темир ва пўлатдан ҳарбий қуроллар ишлаб чиқарилади, дейилади. Мавороуннаҳр, Бағдод ва Хуросон амирлари ниҳоятда сифатли ана шу қуроллар билан ўз аскарларини қуроллантиришга ҳаракат қилганлар. Зомин туманидаги Миқтепа ёдгорлиги ва унинг атрофидан темирчилар ишлатадиган болға сандонлар, қадимги шахталар топилган. Олимлар ана шу ерни Марсманд дея тахмин қилганлар. Бироқ бизнинг назаримизда, кўҳна шаҳар ўрни у ерда эмас. Сабаби, Ўзбекистон - Америка қўшма экспедицияси томонидан Бахмал туманида майдони 7-8 гектарга тенг шаҳарча топилди. Тошбулоқтепа номи билан аталган ушбу қадимги иншоот Моргузарнинг тепасида кенг сайхонликда жойлашган. Бу ерда темир шлаклари жуда кўп, қазишмалар давомида темирчилик устахонлари ўрни аниқланмоқда, қазув ишлари давом этаяпти. Балки Марсманд шу ерда бўлгандир. Тарихий манбаларда: Темирчилар шаҳарчасида ҳар ойда бир марта савдо ярмаркаси ташкил этилади. Унинг бир кунлик савдо айланмаси 100 минг динор олтинга тенг бўлиб, бу ўз даври учун жуда катта маблағ ҳисобланган. Ҳамкасбимиз Леонид Сверчков очган Мих қалъаси атрофида эса текислик жой йўқ. Мен фикр билдираётган жой, Бахмал туманидаги шаҳарда катта савдо ярмаркалари ташкил қилиш учун улкан текислик жой бор. Зоминдан чиққан карвон Супа орқали ҳозирги Бахмал қишлоғига, ундан Ўсмат шаҳарчаси орқали Самарқандга кетган. Бу воҳамизнинг энг қадимги йўлларидан биридир.

ЎРТА ОСИЁ АРҒУМОҚЛАРИ

Уструшонадан Жиззах орқали ўтувчи савдо йўлидан олиб ўтилган асосий товарлар ипак газламалар ва хом ипак бўлган. Хитой ипакнинг юрти бўлиб, Ўрта Осиёга чинни ва чой ҳам экспорт қилган. Яқин Шарқ ва Марказий Осиё жун ҳамда пахта матолар тайёрлашга ихтисослаштирилган, булар Шарқ бўйлаб Хитойга етказилган. Шарқдан қоғоз сотиб олган европаликлар XIII асрда уни мустақил ўзлари тайёрлай бошлашган. Хитой саёҳатчиси Чжан Цянь Ўрта Осиёдан қайтиб Хитойда мавжуд бўлмаган баланд бўйли Фарғона арғумоқлари тўғрисида маълумот олиб келган. Ипак йўлининг бошланғич ривожланиш босқичида Ўрта Осиёдан от билан бирга, жониворлар учун беда уруғини ҳам харид қилишган. Шунингдек, манбаларга кўра, илгари хитойликлар узум ва узум маҳсулотларини умуман билишмаган, савдо йўли орқали уларни ўзлаштирган.

ЖИЗЗАХДАН НИМАЛАР ОЛИБ КЕТИЛГАН?

— Қадим ва ўрта асрларда Уструшона пойтахти Бунжикатдан сўнг иқтисодий жиҳатдан Зомин иккинчи ўринда турган, — дейди М.Пардаев. — Зоминда лалми ва сувли ерлар кўп, катта майдонлар токзор ва ғаллазорларга

Очиқ жойга тушар қуёш нури ҳам

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мамлакатимиз фуқаролари томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди.

Унда барча соҳа қамраб олингани ва кўпдан-кўп соҳалардаги муаммолар очиқ айтилгани ҳамда ечимлари бўйича аниқ таклифлар билдирилгани яқин келажакда янада юксалиш сари дадил қадамлар қўйилишига шубҳа йўқ. Шу боис, "Жамият — ислоҳотлар ташаббускори" ғояси кундалик ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда.

1 Чунки бугун ҳаётда бўлаётган янгиланишлар жараёнини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Тонг ёруғида пана-пастқамлардан соя қочганидек, жамиятдан қўрқув, ҳадик ва ёлғон чекинмоқда. Тўғри, ҳаққоний ва рост сўзни айтишга тилимиз келишиб қолгани рост. Куни кеча пахтакор туманлардан бирида яшайдиган эски танишим қўнғироқ қилиб қолди.

Пахта ва ғаллага давлат буюртмаси бекор қилинадиган бўлди. Унинг тагидаги гапни ҳаммаям тушунавермаслиги мумкин, дея сўзлай кетди у ҳаяжонланиб. Шунча йил бериб келинган буюртма нега бекор қилинаяпти. Давлатга пахта керак эмасми? Ғалла керак эмасми? Керак. Давлатга энди ёлғон керак эмас. Буюртмани бажараман, деб қўшиб ёзиш кўринишидаги кўзбўямачилик керак эмас. Ростнинг иложи бўлмаган жойда ёлғон аралашади. Албатта, пахта керак, лекин ҳосил ортидаги ишлар ҳам пахтанинг ўзидай, деҳқоннинг кўнглидай оқ бўлсин. Ғаллаям албатта керак. Лекин ҳосил йиғиб олингандан кейин деҳқоннинг ризқи қийилиб қолмасин. Буюртма ҳисобига омборидаги қолган-кўтган дон ҳам ташиб кетилмасин. Пахтаям, ғаллаям деҳқонга азоб-изтироб эмас, даромад келтирсин, рағбат келтирсин. Мана қаранг, бир янги фикр, янги ғоя замирида қанча эзгу ўй, тоза ният, умид ва ишонч мужассам.

Шунча гапни соҳа туфайли нон еб юрганлар билмас эдиларми? Билар эдилар. Лекин айта олмас эдилар. Ошкоралик йўқ эди, шаффофлик йўқ эди. Эшиклар ёпиқ эди. Ўзимизни, бир-биримизни алдаб келдик. Эндиям алдайверсак, замон аравасининг орқасида қолиб кетиш майлику-я, катта карвондан узилиб қолиш ҳеч гап эмас. Эндиликда "...демократик ислоҳотлар йўли – биз учун якка-ю ягона ва энг тўғри йўлдир". Барча ишларимизни бутун халқимиз билан биргаликда ҳал этамиз. "Жамият – ислоҳотлар ташаббускори" бўлади. "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", деган олтин қоидага изчил амал қиламиз. Халқ қабулхоналари, виртуал қабулхоналар, "Менинг фикрим" портали эшиклари мулоқот, таклиф ва ташаббус, танқидий мулоҳаза учун ҳамиша очиқ туради. Орқага йўл йўқ, олдинда эса – халқ танлаган йўл.

Яқин-яқин вақтлардаям давлат идоралари раҳбарларининг газеталарда чиқиш қилиши, телевидениеда интервью бериши фавқулодда бир ҳолат, ўям бўлса, ўзун ва зерикарли, фақат ютуқларни ифода этувчи рақамлар қалаштириб ташланган ҳисоботдан иборат бўлар эди. Эндиликда улар воқеа қизиғи устида фикр билдиришмоқда, ўз камчиликларини айтишдан чўчимаяптилар, журналистлардан қочаётганлари йўқ. Реал ҳолатдан келиб чиқиб, соҳага оид зарур таклифларни илгари сурмоқдалар.

Танқидий-таҳлилий муносабат жамият поклашишига хизмат қилиши лозим. Бу — тараққиётимиз йўлида оғир тўғаноқ бўлаётган коррупцияга қарши курашда, айниқса, муҳим. Мурожаатда таъкидланганидек, фақат "ҳалоллик вакцинаси"ни қўллаш орқали бу иллатнинг олдини олиш мумкин. "Ҳалоллик вакцинаси"– бу тоза имон, бу пок виждон. Бу – шаффофлик, ошкоралик. Бу – сўзи ва иши бирлик. Бу – сўз ва матбуот эркинлиги.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилганига алоҳида эътибор қаратди. Бундан буён ҳам журналистларимиз "тўртинчи ҳокимият" вакиллари сифатида эркин ва холис фаолият юритишлари, ислоҳотлар жараёнини мамлакатимиз ичида ва ундан ташқарида кенг тарғиб этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилади.

> Танқидий-таҳлилий муносабат жамият поклашишига хизмат қилиши лозим. Бу — тараққиётимиз йўлида оғир тўғаноқ бўлаётган коррупцияга қарши курашда, айниқса муҳим. Мурожаатда таъкидланганидек, фақат "ҳалоллик вакцинаси"ни қўллаш орқали бу иллатнинг олдини олиш мумкин. "Ҳалоллик вакцинаси"– бу тоза имон, бу пок виждон. Бу – шаффофлик, ошкоралик. Бу – сўзи ва иши бирлик. Бу – сўз ва матбуот эркинлиги.

"Жойлардаги муаммо ва камчиликларни рўйрост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамиша ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман", - деди давлатимиз раҳбари.

Бу ўринда мен "профессионал журналистлар" иборасига урғу беришни истар эдим. Тўғриси, яқин вақтларда ҳам фуқаролик журналистикаси дейилса, бу оммани чалғитиш учун тўқиб чиқарилган нарса, дея баҳолаш ҳеч гап эмас эди. Бугун фуқаролик журналистикаси деган ибора эриш туюлаётгани йўқ. Фаол фуқаро сифатида блогерлар ижтимоий ҳаётда ўз фикрлари билан иштирок этмоқдалар. Хатолар учраб турибди. Камчиликлар ҳам. Аммо бефарқлик йўқ. Жамиятни карахт қилиб келган, "Менга нима?" деган лоқайдлик йўқ. Албатта, ҳар қандай соҳани обод этгувчилар – булар ўз ишининг устаси. Профессионаллар. Билиб айтилган гап иш битирар, дейди доно халқимиз. Билиб, ўрнига қўйиб айтилган гап оғир ботмайди. Ўйлантиради. Фикрлашга даъват этади. Нафақат танқидга муносабатда, балки танқид қилишда ҳам маданият етишмаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Профессионал ёндашув, ҳеч шубҳасиз, журналистларимиз қаламини янада таъсирчан қилади, ҳаётий муаммоларни холис ва ҳаққоний ёритишда бош омил бўлади.

Журналистларимиз Президентимиз томонидан Мурожаатномада белгилаб берилган барча устувор мақсад ва вазифаларни тўлиқ қўллаб-қувватлайдилар. Уюшмамиз уларнинг ислоҳотлар жараёнини кенг ёритиш, мавжуд муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиш борасидаги ижодий изланишларини турли танловлар мисолида рағбатлантириш, фахрийларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали бир мақсад йўлида бирлаштириш борасидаги ишларни йиллик режа асосида изчил амалга ошириб боради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига кўра, мамлакатимизнинг халқаро имижини юксалтириш, турли мамлакатларда республикамиз ҳаётини холис ва ҳаққоний ёритаётган журналистларни рағбатлантириш мақсадида "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун" рағбатлантирувчи номинацияси асосий мукофотга айлантирилмоқда.

Шунингдек, барча вилоятларда ўтказилиши режалаштирилаётган "Журналист ва ҳаёт" медиатурлари, ҳеч шубҳасиз, журналистларимизни халқ ҳаётига янада яқинлаштиради. Ислоҳотлар суръати, кўлами хусусида кенг жамоатчиликни хабардор этишда муҳим ўрин тутади.

Йил давомида "Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси йўлланмаси билан" турли оммавий ахборот воситаларида хизмат қилаётган журналистларни "Дўстлар клуби" ҳисобидан ижодий хизмат сафарларига юборишни доимий йўлга қўямиз. Долзарб ва муаммоли мавзуларни ёритишга қаратилган мазкур лойиҳа, аввало, журналистларимиз учун ижодий малака, мактаб вазифасини ўтайди. Шу билан бирга, жойларда муаммолар ечимига жамоатчилик эътиборини қаратиш ва ҳал этишга кўмак беради, жамиятимизда очиқлик ва шаффофлик янада мустаҳкамланишига хизмат қилади:

Минг йиллардан келар бу ор, бу ғурур,
Боболаринг ичган қуёшга қасам.
Зулматдан юз ўгир, кунбеткайда тур,
Очиқ жойга тушар қуёш нури ҳам!

Саъдулла ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси.

Энди қуруқ гапга ҳеч ким ишонмайди

Шубҳасиз, Мурожаатноманинг ҳар бир банди эътирофга лойиқ. Партияларнинг дастурий мақсадлари ва сайловолди жараёнларида сайловчиларга берилган ваъдалар моҳиятидан келиб чиқиб, келгусида қилинадиган ишларни кундалик вазифа сифатида белгилаб олишимиз шарт.

Биринчидан, Президентимиз юртимизда бошқарув тизими сифатини оширишда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойилининг устувор бўлиши лозимлигини таъкидлади. Эндиликда Халқ қабулхоналарининг ҳисоботлари Парламент ва маҳаллий кенгашларда тингланиши қайд этилди. Эътиборлиси, ижро органлари фаолиятига баҳо, айнан Халқ қабулхоналарига бўлаётган мурожаатлар ва уларнинг амалий ечимидан келиб чиқиб берилиши қатъий белгиланди.

Бу юртимизда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун экани ва давлат идоралари том маънода халқ учун ишлашини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Ўзини "Халқ вакили" деб билган ҳар бир депутатга ушбу масала унинг кундалик фаолият асосини ташкил этиши лозим. Бу борада ўз режамиз, зарур бўлса, ўз йўл харитамизни ишлаб чиқишимиз керак.

Иккинчидан, Мурожаатномада ижтимоий соҳага йўналтириладиган ислоҳотларнинг аниқ ва пухта баён қилингани, ҳеч шубҳасиз, миллионлаб юртдошларимизнинг қалбларига қувонч ва эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишонч олиб кирди.

Учинчидан, эндиликда пенсия ва нафақалар тайинлаш тартибини соддалаштириш, айтиш жоизки, халқимиз мушкулини осон қилишда катта қадам бўлади. Зеро, узоқ йиллар мобайнида юрт учун сидқидилдан меҳнат қилган одам, айни нафақага чиқиш палласида қатор маъмурий саргардонликлар, сансалорликлару ортиқча талаблар тўлқинига дуч келишига, ҳатто, руҳан кўникиб ҳам кетган эдик.

Бу борада Давлат архиви тизими электрон шаклга ўтказилиши, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва энг асосийси, чин маънода сарсонликларга барҳам бериш имкониятини яратади.

Тўртинчидан, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилиши ва мустаҳкамланишига доир таклифлар билдирилди.

Бу борада "Ижтимоий суғурта тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепцияси"нинг ишлаб чиқилиши, ҳатто миллий қонунчилигимиз тарихида янгилик бўлади.

Албатта, биз — депутатлар, яъни халқ вакиллари, ушбу нормалар ишлаб чиқилишида сидқидилдан жонбозлик кўрсатишимиз зарур ва бунга бизнинг қурбимиз, салоҳиятимиз етади.

Мурожаатномани, аввало, ўзимиз онгимизу тафаккуримизда таҳлил қилиб, унинг моҳиятини сайловчиларимизга етказишимиз зарур. Давлатимиз раҳбари айтганидек, фоизлару, рақамлар ортидан қувиш эмас, реал натижаларга эришиш йўлини тутишимиз керак.

Чунки энди қуруқ гап билан ҳеч кимни ишонтириб бўлмайди. Одамлар дарду ташвишига шерик бўлиб, жонфидолик билан яшаш, меҳнат қилиш — давр талаби.

Зулайхо АКРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЙЎЛДАДИР...

йўлидаги аҳамияти

Жиззах вилоятидаги "Илон ўтди" ёки Амир Темур дарвозаси дараси

айлантирилган. Биздан қуруқ мевалар Хитой ва Европага кетган. Уструшонада, жумладан, Зоминда ва Жиззахда боғдорчилик шу даражада ривожланганки, баъзи серҳосил йилларда улар уй ҳайвонларини ана шу ширин-шакар мевалари билан боқишади, дейилган. Жиззах халқи гилам тўқиш, кигиз босиш, жун ва мовутдан газламалар тайёрлаш бўйича омилкор бўлишган ва четга экспорт қилишган. Ўз ўрнида Самарқанд Сўғди, Бухоро, Фарғона ҳамда Тошкент ҳунармандлари ўз маҳсулотларини Жиззах бозорларига олиб келиб сотишган. Жиззах бой шаҳар бўлиб, бу ерларга ҳам ипак матоси олиб келиб сотилган. Қора рангли шиша идишлар Хитойдан олиб келинган. Қалиятепадан хитой тангаси, Ғаллаорол водийсидан хитой кўзгулари топилган. Улар диск шаклида бўлиб, бир томонига кумуш қопланган, ушлаш учун нозик дастаси бўлган.

ИНҚИРОЗ ДАВРИ

XVI асрга келиб баъзи геополитик ва геоиқтисодий факторлар Ипак йўлининг узил-кесил тўхташига олиб келган. Бироқ Ўрта Осиё билан Хитой ўртасида савдо XVIII асргача давом этади. XIX асрнинг ўрталарида Буюк ипак йўли ўз тарихий вазифасини: Шарқ билан Европа тараққиётини бирлаштириш вазифасини йўқотди, Хитой ипаги дунё валютаси роли сифатида ўз аҳамиятини йўқотди.

— Кейинги даврларда ҳам Буюк ипак йўлининг фаолияти сусайгани билан савдо тўхтаб қолмаган. Хонликлар даврида Жиззахдаги Тузкондан энг сифатли туз етиштирилган, темир ишлаб чиқарилган. Бу фаолият XIX асрнинг 60-70 йиллари, яъни Туркистоннинг Россия истилоси даврига давом этган. Истилодан сўнг Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонлиги билан рус амалдорлари бошчилигида савдо ишлари олиб борилган.

ЎТМИШ АНЪАНАЛАРИ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИМИ?

Бугунги кунда кўплаб давлатлар Буюк ипак йўлини тиклашга уринмоқда, ўтмиш анъаналарини қўллашга интилмоқда. Бу борада ташаббусни ўз қўлига олаётган Ўзбекистон ўз археологик ва архитектура ёдгорликлари билан таништиришга, дунёга юз очишга киришди. ЮНЕСКОнинг "Буюк ипак йўли — мулоқот йўли" дастури асосида XX асрнинг 90-йилларида Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳлик йўналишлари, археологик ва архитектура ёдгорликлари бўйича улкан қайта тиклаш ишлари амалга оширилди. Республикамиз бўйлаб кўплаб илмий экспедициялар ташкил этилди. Ҳиндистон, Хитой, Ўзбекистон, Шри-Ланка, Японияда Буюк ипак йўлини ўрганиш бўйича махсус институтлар ташкил этилган.

— Ўтган йилнинг 9 майида Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатлар ва шаҳарлари тўғрисида Японияннинг "NHK" кинокомпанияси Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистонда махсус ҳужжатли фильмни суратга олиш учун юртимизга ташриф буюрди, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассиси Маҳмуда Исматуллаева: — "Поездда саёҳат" номли бу фильм Жиззах темир йўл вокзали, Зомин туячилик фермасида, Пишағор қишлоғида олинди. Уларда миллий урф-одатларимиз, халқимизнинг турмуш тарзи, маданий мероси ўрин олган.

Мазкур фильм учун 45 нафар япониялик меҳмонлар ташриф буюришган. Улар шунингдек, Арнасой туманидаги Айдаркўл сув ҳавзаси, Зомин Миллий боғи ҳудудида бўлишган.

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ

— Буюк ипак йўлидаги масканлар — Зомин, Янгиобод, Ғаллаорол, Бахмал туманлари сайёҳлик ҳудуди ривожланган ҳудудлар ҳисобланади, — дейди Синдор Қорабоев. — Бу манзилларда тарихий объектларимиз жуда кўп. Вилоятда 372 та туристик мақсадда фойдаланса бўладиган объектлар мавжуд. Шулардан 42 таси зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар ҳисобланса, 63 дан зиёди монументал ёдгорликлар, 267 таси археологик объектлардан иборат. Зиёратгоҳларимиз сони 49 тага етди, илмий таҳлилларга таяниб ўрганиш натижасида қатор янги археологик объектларимиз қўшилди.

Маълумотга кўра, айни дамда Ғаллаорол туманидаги Хонимқўрғон қалъасида "Трансохиана" фирмаси билан ҳамкорликда 29 миллиард сўмлик Янги Хонимқўрғон экотуристик ансамбли лойиҳаси учун тамал тоши қўйилди. АҚШнинг "GMFR International" LLC компанияси президенти Диловар Ғулом билан "GMFR Global Jizzakh" МЧЖ, "Transoxiana-AZT" МЧЖ ўртасида битимлар имзоланди.

Компаниянинг Ғаллаорол туманида кўзда тутилган лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича бизнес-режалар ишлаб чиқилаётгани маълум қилинди.

Бу иншоот бир кунда мингга яқин сайёҳларни ўзига қабул қилади. Хонимқўрғон қалъасида Эрон, Туркия, Сурхондарёдан кириб келадиган Афғонистон, Қирғизистон катта йўл трактидан фойдаланиб, мингга яқин йўловчилар шохобчаларидан фойдаланиш имкони туғилади. Айни дамгача GMFR Internation al. LLC. АҚШ ширкати билан ушбу лойиҳа учун бошланғич қиймати 7 миллиардлик шартномалар имзоланиб, амалга оширилиши режалари тузилган. "Хонимқўрғон" ва "Очиқ осмон остида"ги музей мажмуаси лойиҳаларини тўлиқ амалга ошириш ишлари жорий йилдан бошланади. Мазкур иншоот археологик жараёнда ҳам сайёҳларни қабул қилиш имконига эга бўлади. Қолаверса, лойиҳа айнан шу жиҳати билан археология соҳасига қизиқадиган Швеция, Германия, Франция, Чехиядан ташриф буюрадиган кичик ҳажмдаги меҳмонлар эътиборини жалб этган.

Амир Темур дарвозаси дарасидаги тарихий битиклар.

"ТЎРТКЎЛТЕПА"ГА ИНВЕСТОР КЕРАК

Зомин туманида Буюк ипак йўлида жойлашган қатор муҳим карвонсаройлар Тўрткўлтепа, Қоратепа, кўҳна Сабот шаҳристонлари бугун ҳам яхши сақланиб қолган.

— 1989 йилда Тўрткўлтепанинг илк очилиш жараёнида иштирок этганман, — суҳбатда давом этади Синдор Қорабоев. — Мазкур карвонсарой йўлнинг ёқасида, Жиззах ва Зомин ўртасидаги хушманзара ерда жойлашган. Бир неча зиёратгоҳларнинг кўплиги ҳам унинг қулайлигига мисол. Тарихий манзил бўлган Пишағор ғори, Дўланақудуқ булоқларига яқин. Бу объект очилса, унинг 70, 80 фоизи сақланиб турибди. Қўқонарава кирадиган дарвозалари бутун. Охирги қорахонийлар вайрон қилган карвонсаройимиздаги бозор ҳудуди замонавий брусчаткага ўхшаш, тош плиталари ҳам омон қолган. Саройнинг ўзининг танга зарб қилиш, кулолчилик ва кандакорлик устахоналари, заргарлик, бозордаги ҳунармандлик расталари бўлган. Атрофи хандақлар билан ўралиб, сув юрган. Қадимда Тўрткўлтепани ҳимоя қилиш учун бош Пишағор бошланишидаги катта тепаликдан туриб бошқаришган. Ниятимиз бир тадбиркор чиқса-да, мана сарой очилишига, унинг тарихий ҳолатини дунёга кўрсатишда бош-қош бўлса, сайёҳлар учун энг гавжум йўналиш ясаган бўларди.

Вилоятда сайёҳликнинг эко ва этно, экстремал турларидан ташқари, агро, гастро туризм каби йўналишлари ривожланмоқда. Агротуризмни ривожлантириш бўйича Зомин туманидаги "Қаҳрамон" фермер хўжалигига 26 гектарлик ер ажратилган.

Суҳбатлардан ҳам кўриниб турибдики, ҳали Буюк ипак йўли ва унинг манзилларида юмушлар битмаган, мозий қатларида ҳамон тарихимизнинг ёрқин саҳифалари жилоланиб турибди. Қадимда элларо маданият, ғоялар, янгиликларни ташиган бу улуғ йўл бугун том маънода қайтадан янгиланган ва ёшариб бормоқда.

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА,
журналист.

HURRIYAT
2020-YIL 29-YANVAR
CHORSHANBA

СУҲБАТ

“Журналист ҳақиқатни айта олмаса, ҳеч бўлмаса ёлғон гапирмасин”

“Hurriyat”нинг бугунги меҳмони кўпчиликка таниш бўлган, тажрибали ва иқтидорли тележурналист Гулмира МУСАЖОНОВА бўлди.

— Гулмира опа, сиз билан янада яқиндан танишиб олсак нима дейсиз? Биламизки, халқимизнинг атоқли адиби Фарҳод Мусажоновнинг қизисиз. Оиладаги адабиёт завқи ва ижодий муҳит сизни журналистикага етаклаган эканда?..

— Мен 1972 йил 27 июнда туғилганман. Биласиз, айнан шу куни юртимизда ОАВ ходимлари куни сифатида нишонланади. Бу ҳам (кулиб...) бежиз бўлмаса керак?! Хуллас, касб байрамимиз нишонланадиган кун мен учун қўшалоқ байрам.

Оиламиз ҳақида гапирсам, дадам “Ўқчи” маҳалласида туғилган. Тошкентда 1966 йилда рўй берган зилзиладан сўнг оиламиз у ердан унча узоқ бўлмаган жойга — Лабзак маҳалласига кўчиб ўтишган. Бобом Мусо Алимуҳаммад ва бувим Башорат Исломова зиёли кишилар бўлишган. Бобомни 1937 йил 9 октябрь куни Шаҳидлар майдонида “халқ душмани” дея қатл этишган. Ўшанда дадам эндигина уч ёшдан ошган бўлган. Бувим тўрт нафар ёш бола билан ёлғиз қолганлар, рўзғор тебратишга бир ўзларининг кучи етмай, болаларининг нонсиз, ошсиз қолган кунлари кўп бўлган экан. Дадамнинг болаликда тушган расмларида чўпдек озғин, лекин новча бўлгани сезилади. Бобом оқлангунга қадар, яъни 1956 йилгача дадам “халқ душманининг фарзанди” деган тамға билан яшаган. Жамиятдан ажратиб қўйишган. Бечора бувим ва дадамга нечоғлик оғир бўлганини тушуниш қийин бўлмаса керак... Албатта, буларнинг бари ҳақида менга бувим, дадам кўп бора ҳикоя қилиб беришган.

Бувимнинг зиёли ва ўқимишли бўлганликлари фарзандларининг тарбиясида акс этган. Ниҳоятда иродали, сабр-матонатли фазилатларга эга бўлган бувим газетада ишлаб болаларини оёққа қўйган. Амаким Ғанижон Мусажонов Тошкент тиббиёт институтининг 1-босқичини битирганда Иккинчи жаҳон уруши бошланган. Ўшанда вояга етган йигитларни вокзалда йиғишган ва ўғилларини урушга кузатишга чиққан оналарга: “Йигитларимиз узоқ ва совуқ ўлка — Россияга кетмоқда. Уйингизга бориб иссиқ кўрпа-тўшак, нон, қурут, майиз, ёнғоқ олиб келинг. Тонгда жўнашади”, деб оналарни кетказиб юборишган. Бувим кечаси билан айтилган нарсаларни топиб, вокзалга келсалар, оналардан бўлак ҳеч ким йўқ эмиш. Оналарнинг йиғи-сиғиси вокзални тутиб кетмаслиги учун шу хийладан фойдаланишган-да. Аслида поезд кечаси иккидаёқ жўнаб кетган...

Икки йил давомида амакимдан хатлар келиб турган. У хатларни ўқиш осон эмас, энг бағритош инсон ҳам кўзда ёшсиз ўқий олмаса керак. “...Меҳрибон онажоним, уруш тугаб уйга қайтсам, сизни ҳеч нарсага муҳтож қилмайман... Укам Фарҳоджонни ўзим оёққа қўяман... Ҳаммамиз жуда чиройли ҳаёт кечирамиз”, каби жумлаларни қаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Аммо уруш қурбонсиз бўлмас, 1943 йилда амакимдан қорахат келган.

Мен яхши эслайман, ўғлининг дийдорига тўймаган бувим уруш ҳақида қандай фильм бўлса, телевизор олдига ўриндиқ қўйволиб, кўзойнакларини тақиб, диққат билан кўрардилар. “Бувижон, телевизорни бунча яқиндан кўрманг”, десам: “Ғанижоним чиқиб қолармикан, кўрарманман боламни», дейман-да қизим”, дердилар. “Бу фильмларда актёрлар суратга тушган, воқеалар уюштирилган”, десам ҳам бир бора ўғлини кўриш илинжи, умиди бувимнинг юрагида умрбод яшади.

Дадам мана шундай қийинчиликларни кўргани учун ҳам ёзувчи бўлган бўлсалар керак, деб ўйлайман. Оғир дамларни, етимликни бошдан кечирган дадам: “Уйлансам, фарзандларим қийинчилик кўрмасдан ўсади”, деб ўзларига сўз берган эканлар. Чиндан ҳам биз ҳеч нарсага муҳтож бўлмасдан ўсиб-улғайдик. Дадам ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг форс филологиясини тугатган эди. Тилни мукаммал билганликлари учун хорижга ишга таклиф қилишган, бу ҳақда бувимга айтганларида: “Совуқ ўлкаларда битта ўғлим қолиб кетди. Иккинчи ўғлимни ҳам йўқотишни истамайман”, деган эканлар. Дадам бувимнинг ҳолатларини тушуниб, таклифга рад жавобини берган.

Дадамга қараб, она учун кўп нарсадан воз кечганларини энди тушуняпман ва ота-онам учун нима қила олдим ўзи, деган фикр менга тинчлик бермайди. Қийинчиликларда одамнинг иродаси тобланади, агар унинг ички ўзаги, маънавияти бақувват ва мустаҳкам бўлса. Отам кўп қийинчилик кўрган инсон, шу сабаб ҳам ёзувчи бўлган бўлса керак. Одамлар билан бўлишадиган дарди, айтадиган фикрлари бор эди... Асарларини ўқиб, барчаси ўзлари, умр йўлларида учраган катта одамлар ва майда кимсалар ҳақида эканлигини англайман. Аслида, ҳар бир кўрсатув ортида ҳам Шахснинг дарди, фикри ётади. Бусиз мумкин эмас. Асарларни, шу жумладан, кўрсатувларни ҳам конфетга қиёслайман — аксариятининг қоғози чиройли, ялтироқ, дарров кўзга ташланади, аммо очиб, ичини қарасангиз, бемаза. Устидаги қоғози унинг маъно-мазмунига қараганда анча-мунча қимматроқ эканини тушунасиз. Моҳиятан эса бўм-бўш. Саёз. Шундай кўрсатувлар, спектакллар, кинофильмлар кўпайиб кетгани одамни ранжитади. Либосларига, мусиқасига, декорацияларига маҳлиё бўламиз ва шуларни мақтаймиз, чунки бошқа ҳеч нарсаси йўқ, моҳиятан қаш-шоқ. Янги фикрни кўрмайсиз. Кўрсатувда ўзига хос фикр, янги фикр айтилса — хурсанд бўлиб кетаман. Чунки бу нафақат томошабин, уни тайёрлаётган ижодкорлар — биз учун ҳам муҳим, биз ҳам «катта»ларга — савияси баланд, ақлли, тафаккури кенг, билими чуқур, ўз мустақил фикрига эга, уни эркин айта оладиган, салоҳиятли шахслар томон талпинамиз. Катталар орасида ўсамиз, майдалар орасида майдалашамиз, деган гап бор-ку. Шахс масаласи, кимни шахс деб атаймиз, у қандай шаклланади, ёшларни ўз мустақил фикрига эга бўлган ШАХС сифатида қандай қилиб тарбиялаш мумкин, деган саволларни деярли ҳар бир қаҳрамонимга бераман. Чунки миллат ана шундай шахслар — фикрловчи одамлар билан тирик.

— Гулмира опа, раҳмат, маҳзун ва ёрқин таассуротлар уйғотдингиз. Оилангиз тарихи билан яқиндан таништирдингиз. Энди ўзбек матбуоти, журналистикаси, қолаверса, Ўзбекистон Миллий телевидениеси ҳақида суҳбатлашсак, нима дейсиз. Сизнингча, матбуотимиз бугунги кунда нима сабабдан оқсамоқда?

— Журналист нуқтаи назаридан эмас, оддий инсон сифатида гапирадиган бўлсам, аксарият одамлар тафаккур, фикрлаш дангасалигига йўлиққан. Ўйлаш, мушоҳада юритиш ҳам меҳнат. Ақлий меҳнат ҳам одамдан ҳаракатни талаб қилади. Ўринамиз. Биз тайёр жавобларга ўргандик. Ўзимизга саволлар бермай қўйдик. Узоққа бориб нима қилдик, масалан, телевидение бугун илғор ва тезкор, миллионлаб аудиторияга эга — катта куч. Бунинг сабаби, уни истаган вақтда, ҳаттоки нонушта пайтида ҳам кўриш мумкин. Телевидение тайёр маҳсулотни қўлингизга тутқазади. Алоҳида вақтингиз, маблағингиз кетмайди. Мана шу ҳолат одамларни фикрий дангасаликка чалинишига сабаб, деб ўйлайман. Кўрсатувда ўтирган экспертлар маълумотни шарҳлаб, сизга хулоса чиқариб беради. Томошабин экспертнинг хулосасига таяниб, вазият ҳақида ўзи ўйламайди. Нима қилади ўйлаб — шундоққина ҳаммасини тайёр ҳолда тутқазишди ахир! Ол, фойдалан. Янги фикр, янгилик қачон пайдо бўлади? Қачонки одам изланса! Мустақил мушоҳада юритса. Жамиятда қабул қилинган тайёр жавоблар, мавжуд бўлган қолиплар ичида яшаш қулай. Ана шу «қулай» ҳаёт қулига айланиб бормоқдамиз. Агар газета-журналлар ҳақида гапирсак, аввало, почта хизмати бизда яхши ишламайди, шу боис улар обуначининг қўлига вақтида етиб бормайди. Аксига олиб киоскаларга чиқарилмайди. Ихлосманд одамнинг ҳам газетани топиб ўқиши қийин. Газета-журналларга яқинлаштириш ўрнига айрим нарсалар бизни улардан узоқлаштириш мақсадида қилинаётгандек туюлади менга...

Малака ошириш учун Япония, Германия каби ривожланган мамлакатларда бўлдим. Уларда ҳамон газеталар “тирик”. Инсонларда эрталабки нонуштада газета ўқиш кўникмаси шаклланган. Газета ўқиш — эҳтиёжга айланган! Саҳарда чоп этилган газеталар соат олтигача ҳамманинг почта қутисига ташлаб кетилади. Бундан ташқари, тушликда, кечқурун чиқадиган газеталари ҳам қутишади. Одамлар газетадаги янгиликлар ишончли манба эканлиги учун ўқишади.

Яна бир масала, бугунги кунда газеталарнинг тақдири фақат газетачиларнинг муаммоси ёки фожиаси бўлмаслиги керак. Бу билан бутун жамият шуғулланиши зарур. Халқимизда газета ўқиш кўникмаси сусайиб кетган. Илмий, салмоғи юқори бўлган журналларнинг ҳам тиражи кам. Уни ҳам асосан зиёлилар ёки шу соҳанинг мутахассислари ўқийдилар, холос.

— Мутлақо чин гапларни айтяпсиз. Шу ўринда бир мулоҳаза дилимга келди. Биласизми, Ўзбекистондаги телевидение тармоқлари, радио, босма ОАВ, интернет нашрларида фаолият кўрсатувчи журналистлар ўртасида кўринмас “жарлик” борга ўхшайди. Яъни, ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Масалан, фақат ОАВ ходимлари куни арафасида, яъни касб байрамларимизда (демак, сизнинг туғилган кунингиздагина, ҳазил) тележурналистлар матбуотда ишлайдиган ҳамкасбларини “йўқлайди”. Матбуотда чиқаётган мақолалардан эса аксарияти бехабардирлар. Шундай эмасми?

— Ҳақсиз. Аслида журналистлар ҳамма жойда ва ҳамма вазиятда бир-бири билан жипс бўлмоғи керак. Афсуски, бизда ҳеч ким бир-бирини тўғри маънода ҳимоя қилишни истамайди. Бунинг гувоҳи бўлдик. Журналистлар ҳаммамияти йўқ дегим келмаяпти, лекин биз битта куч эмасмиз. Шунча йилдан бери битта кучга айлана олмадик. Раҳматли устоз Маҳмуд Саъдий билан ўлимлари олдидан суҳбатлашгандим. Ўшанда журналист аслида қандай бўлиши ҳақида гапирганди. Шу кундан бошлаб, кўрсатувларимда исмимдан кейин журналист сўзини ёзишга ўрганадиган бўлдим. Чунки аввало, биз шу номга муносиб бўлишимиз кераклигини тушундим. Ҳар ҳолда, мен учун бу шунчаки ном эмас.

“Ҳуррият”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ва яна саноқли газеталарнинг ўз муштарийлари бор. Яхши мақола чиқса, шунинг ўзи — энг яхши реклама. Мақола оғизма-оғиз бўлиб, овозаси бизга ҳам етиб келади. Қайсидир нашрда яхши мақола чиққанини эшитсам, албатта топиб ўқийман. Топа олмаган тақдиримда нусхасини жўнатинглар деб илтимос қиламан. ТВ журналистлари ҳам газеталарнинг фаолиятини кузатади, ўқийди. Сизларда ҳам қатор муаммолар борлигини биламан, аммо улар ҳақида чуқур ўйлаб кўрмаган эканман.

— Навбатдаги саволим ҳам ТВ ҳақида. Ютуқлар ўзимизники, уни биров олиб қўймайди, аммо ҳамон давлат каналларида ҳақиқий ҳаёт, давр руҳи сезилмаяпти. Томошабинни экран қаршисига “михлаб” қўядиган кўрсатувлар деярли йўқ. Бунинг сабаби нимада, телеканалларда ҳамон «цензура» кучлими ёки муаммо кадрларга бориб тақаладими?

— Маълум маънода ички «цензура» ҳамон бор. Ҳамма жойда ҳам бор. Сизларда йўқми? Бизнинг соҳада «цензура»нинг қай даражада бўлиши раҳбарларга кўпроқ боғлиқ. Агар раҳбарга Худо озгина юрак берган бўлса, эс-ҳуши жойида, инсофли бўлса, албатта, эркин ижод қилиш тарафдори бўлади. Аммо амал азиз экан, деб курсига ёпишволиб, “ҳаммаси жойида” деб юраверса ҳеч нарса ўзгармайди. Мен раҳбар эмасман, балки шунинг учун эҳтимол уларни тушунмасман, аммо барибир журъат бўлиши лозим, деб ҳисоблайман. Шундай раҳбарлар бўладики, “кел, шу олдинга бир қадам қўяй-чи, балки бу мен ўйлаганчалик қўрқинчли эмасдир”, деган фикрнинг ўзи ҳам йўқ. Халқимизнинг ишончини йўқотганимизга сабаблар кўп, улардан бири шу.

Ўзбек Миллий телерадиокомпанияси шу пайтгача кўплаб тажрибали кадрларни тайёрлади. Аммо соҳамизда моддий рағбат камлиги учун бугунги кунда энг тажрибали кадрлар давлат каналларидан кўра, яхшироқ маош тўлайдиган хусусий каналларга ўтиб кетди. Кадрлар давлат каналларида олган бор тажрибасини, Аллоҳ юқтирган озгина иқтидори ва салоҳиятини хусусий каналларга сарфлаб келмоқда.

Аслида давлатники дегани — ҳеч кимники дегани экан... Хусусийларда раҳбар тикилган пулни оқлаш учун ҳам энг яхши ва иш берадиган кадрларни саралаб олади. Бугун мана “Sevimli” канали энг рейтинги баланд каналлардан биттаси. Эгаси тиккан пулни оқлаш ҳамда унинг ишончига лойиқ бўлиш учун канал тинимсиз изланишда, янгилик киритишдан чарчамаяпти. Ҳар бир аудиторияга бағишлаб кўрсатувлар етказиб бермоқда. Айтайлик, давлат каналида ким “Sevimli” канали бош раҳбаридек қайғуради? Пул давлатдан оқиб келяпти-ку. Агар имконим бўлганида мен ҳам хусусий канал очардим. Нега сифатли кадрларнинг хусусий каналга кетиб қолаётгани ТВ раҳбарларига алам қилмаяпти? Ўша кадрларни шу ерда шакллантирди, иш ўргатди, ойлик тўлади, касал бўлса, имтиёз берди. Ҳаммаси бизнинг каналлар ҳисобидан бўлди-ку. Давлат каналлари ўзини яхшилаши учун ходимларини моддий-маънавий жиҳатдан жуда кучли қўллаб-қувватлаши керак. Токи, журналист-ижодкорлар телеканалларга “керак” эканлигини ҳис қилишсин.

— Сизга ҳам хусусий телеканалдан иш таклиф қилишганида ўтмаган экансиз, боиси нима?

— Биринчидан, ўрганган жойим, қоларверса, эндиликда ёш, кучга тўлган кадр эмасман. Бошқа каналга ўтиб, ўзимни яна меҳнатим билан кўрсатишим учун бошидан ҳаракат қилишим керак. Ёшлигимда мен ҳам ҳеч қайси журналист боришни истамаган жойларга бориб, репортажлар тайёрлаганман. Кечаси 12 гача монтажда ўтириб, эрталаб 6 да яна ишга келган вақтларим кўп бўлган. Ҳозир эса иш жойимда кўрсатувларимни бемалол тайёрлаш имконига эгаман. Ишларим билан ўзимни, қайсидир маънода, “исботлаганим” учун шундай шароитда ишлаяпман, деб ҳисоблайман. “Madaniyat va ma’rifat” каналини эса яхши кўраман. Шунинг учун шу каналнинг ходимиман.

— Дарҳақиқат, ТВ каналларининг сони бугун анча кўпайиб кетди. Аммо очиқ айтиш керакки, улардаги айрим кўрсатувларни кўришга одамнинг сабри ҳам, асаби ҳам чидамайди. Сизнинг “Оддий ҳақиқатлар” кўрсатувингизга ўхшаган жони ва фикри бор салмоқли кўрсатувлар, юқорида айтганимдек, бармоқ билан санарли. Кўрсатувингизда сиз бошдан кечирадиган қувонч-ташвишларни бизга илинсангиз...

— Саволингизни тушундим. Мен ҳам очиқ айтаман. Раҳбарият томонидан кўрсатув эфирдан олдин кўрилади, қандайдир ўзгартиришлар киритилади ва буни тўғри тушунишга ҳаракат қиламан. Яширмайман, қаҳрамонларим олдида уялиб қолган вазиятларим ҳам бўлган. Мисол учун, файласуф олим Виктор Алимасов билан бўлган суҳбатим тўлиғича эфир юзини кўрмади. Сабаби ушбу файласуф шаблон фикрлар билан сўзламайди. Ҳаётга мутлақо бошқача нигоҳ ила қарайди. Интервьюдан кўнглим тўлганди. Мулоҳазалар кучли эди, бироқ, ҳали бунга бир қадар тайёр эмаслигимиз учун бор бўй-басти билан эфирга беролмадик.

— Суҳбатдошингиз хафа бўлгандир?

— Хафа бўлдилар. Гулмира, сизга ишонгандим-ку, ичимдагиларни рўйрост айтдим. Суҳбатдошларим менга ишонч билдириб, ичидагиларни тўкиб кетса-ю мен эфирга бера олмасам, уялиб қоламан-да. Лекин начора, бунақа вазиятлар, афсуски, бўлиб туради. Бир пайтлар кўрсатувни тўхтатаман деган қарорга ҳам келгандим. Телевидение — бу минбар. Аслида, ҳозир шулар — шу ақлли, саводли, савияли, тафаккури кенг зиёли одамлар гапириши керак! Лекин, бошқа нарса мени кўпроқ ўйлантиряпти — сўзнинг таъсир кучи йўқолгандек... фойдаси бўлмаяпти-да. Нега ток-шоулардан кўнглим қолган? Чунки ҳамма йиғилади, бир соатми, икки соатми гапиради, кейин тарқалади. Тамом. Гапнинг амалдаги натижаси кўринмаяпти. Одамлар ўзгаряптими бу гаплар, кўрсатувлардан кейин? Тўғри хулосалар чиқариб, хатти-ҳаракатларидаги қусурлардан халос бўляптими? ТВдан туриб айтилган гаплар кор қиляптими? Мана масала қаерда. Оддий мисол: раҳбарлар келаётганда об-ҳаво қандай бўлишига қарамай, юпун кийинган қизларнинг уларга нон билан пешвоз чиқишини йўқ қилинглар, бизда келган одамни кўчага чиқиб, нон билан сийлаш одати йўқ, ўзбекчиликда меҳмон уйга таклиф қилинади, кейин нон-чой берилади, деб ОАВда қанча айтиляпти! Бу ҳақда бизнинг кўрсатувимизда Аҳмаджон ака Мелибоев ҳам гапирганлар, журналистлар, блогерлар қайта-қайта ёзишяпти, аммо одамларнинг тушунчасида ўзгариш кўряпмизми? Ҳамма гап шунда-да...

— Кўрсатувга чақирадиган меҳмонларингизни қандай мезонлар асосида танлаб оласиз?

— Албатта, ҳурмат қилган, халқ соғинган, жамият учун нафи теккан инсонларни суҳбатга чақиришга ҳаракат қиламан. Гоҳида ён-атрофимдагилар “Суҳбатдошинг яхши эмас”, деб ҳам қолишади, лекин кўрсатув “фаришталар ҳақида эмас, бу ҳаётнинг синовларига дош бериб, яшаб келаётган инсонлар ҳақида”, деб жавоб қиламан. Умрида бир марта бўлсаям хато қилмаган, айби бўлмаган, бекаму кўст бўлган мукаммал инсон борми ўзи?! Кўрсатинг, дейман.

Бу кўрсатувнинг пайдо бўлишига марҳум санъаткор, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти — Ҳусан Шарипов сабабчи бўлган. Отам оламдан ўтганларидан кейин кайфиятимга қараб орамизда йўқ инсонлар ҳақида «Азиз сиймолар» номли кўрсатувни тайёрлай бошладим. Бир сонини Эргаш Каримов хотирасига бағишладик. Интервью олиш мақсадида Ҳусан аканинг ёнига бордим. Телефон рақамимни бериб келганим учун орадан кўп ўтмай Ҳусан ака қўнғироқ қилиб, камера билан боришимни, айтадиган иқрорликлари, узр сўролмай қолган инсонлари борлигини айтдилар. Ўша пайтлари “Dunyo bo’ylab”дан “Madaniyat va ma’rifat” каналига ўтаётган эдим. Ҳусан аканинг айтган гаплари кечагидек қулоғим остида жаранглаб туради: “Гулмира, икки, ҳа, майли, бир кунингни аяма мендан. Камеранг билан кел. Кўп вақтингни олмайман. Айтадиган, айтиб кетишим керак бўлган гапларим бор”, дедилар. — Ҳали кўп яшайсиз, Ҳусан ака, яқин кунларда бораман, — деб кўнгилларини кўтардим. У бўлди бу бўлди Ҳусан ака ўтиб қолдилар. Вақт топиб етиб боролмадим. Ваъда берилди, аммо бажарилмади... Ниятим бор, Худо хоҳласа, уларнинг хотирасига бағишлаб, албатта, яхши кўрсатув тайёрламоқчиман.

Қолаверса, миллатимизнинг ёрқин гулларидан интервью олиш менга завқ бағишлайди. Ўзим билмаган жавобларни улардан қидираман. Кўрсатувнинг 3 ё 4 сонини филолог Раҳмон Қўчқор билан тайёрладик. Раҳмон ака миллатимиз ҳақида жуда куюнчаклик билан гапирди. Тўғриси, катта иш қиляпман деб ҳисобламайман, лекин у ижтимоий кучга, таъсирга эга кўрсатув бўлишини жуда истайман. Раҳмон ака ҳам қайсидир маънода ўзлари билмаган ҳолатда, кўрсатувнинг йўналишини ўзгартириб, белгилаб берди. Теран фикрлайдиган зиёлиларнинг жамиятда кечаётган жараёнларга бўлган муносабати доим қизиқ. Раҳмон ака замонимизнинг энг зиёли инсонларидан. Агар эсингизда бўлса, уларнинг «Ҳайрат» деб номланган муаллифлик кўрсатувлари бўларди. У кўрсатув жуда кўпчиликни ҳайратга сола олган. Шу жумладан, мени ҳам. Яширмайман, Раҳмон акага ҳавасим келади. Уларни нафақат олим, балки истеъдодли телебошловчи сифатидаям ҳурмат қиламан. 20 дақиқа давомида бир ўзи гапириб, томошабиннинг эътиборини «ушлаб туриш» ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳозир кўпчилик бошловчиларнинг ақли ва саводи салом-аликни айтиб олишга етади, холос. Раҳмон акадек билимли, тафаккури, таҳлили кучли одамлар телеэкранларимизда кўпми?

— Ўзбек журналистикасининг эртаси ҳақида қандай фикрдасиз?

— Бугун шу жамиятда биз киммиз? Ўрнимиз қандай? Нималар билан машғулмиз? Асл мақсадимиз нима? Ким ва нима учун шу иш билан шуғулланяпмиз? Қандайдир майда манфаатларимизми ёки халқ манфаати биз учун муҳимми, деган саволларга рўйрост жавоб беришимиз керак. Аввало ўз виждонимиз олдида. Ҳақиқий фожиа — кўз ожизлигида эмас, қалб сўқирлигида, дейишади. Айрим журналистларнинг холис эмаслигини кўриб, хафа бўлиб кетаман. Нахотки уялишмаса? Журналистнинг вазифаси — воқеа-ҳодиса ҳақида тўғри, ҳаққоний хабар бериш, муаммони имкон қадар атрофлича ёритиш, таҳлил қилиш, одамларнинг эътиборини қаратиш эмасми? Шу журналистлар қаерда яшаркан, жамоат транспортида юрадими? Метрога тушадими? Қишлоқларда халқ қандай шароитда яшаётганини билармикан? Билишни истармикан? Яқиндагина таъмирланганига қарамай, яна аввалги аҳволга келиб қолган йўлларидан ўтармикан? Болалар касалхонасига бир борганмикан? — деб ўзимга савол бераман. Касбим борасида шу нарсани тушуниб етдимки журналистлар, айниқса раҳбарлар, умуман ҳар бир касб эгаси эл-юртини яхши кўриши керак. Шунда ҳамма ўз ишига виждонан ёндошади, инсоф билан бажаради. Афсуски, бундайлар кам. Журналистларни қўрқоқка айлантириб қўйишди. Ошкор ёзса жазоланди. Бунақа шароитда журналист қандай ҳақиқатни ёзсин эди. Журналистни қўрқитиб бўлмайди, бу мумкин эмас. Сўз эркинлиги сал берилганида вазият аслида қандай бўлганини кўрдик. Айрим журналистлар касбимиз олдида турган вазифаларни ҳамон тўлиқ тушунмайди. Тушунсак ҳам ишимиз талаб даражасидами? Мен ўзимни чала-ярим журналист деб биламан. Энди тасаввур қилинг — агар шифокор ўз ишини шундай чала бажарса? Танқидга қарши бўлган ҳар қандай одам ҳам шифокорлар ишини бундай чала-ярим қилишга чидаб туролмайди. Айниқса, гап бевосита ўша одамнинг ўзи ёки яқинларининг саломатлиги ҳақида кетса. Демак, журналист ўз вазифасини тўлиқ адо этиш имконига эга бўлиши керак.

Айрим журналистлар бор ҳақиқатни айтолмасам, ҳеч бўлмаганда ёлғон гапирмайман, деган йўлни тутяпти. Бир томондан бу тўғридир, агар журналист ҳақиқатни айта олмаса, ҳеч бўлмаса ёлғон гапирмаслиги, ёлғоннинг кўпайишига хизмат қилмаслиги керак. Лекин, у ҳақиқатни айтмаса, ёзмаса — уни журналист деб аташга ҳақлимизми? Эркин матбуот — жамиятнинг соғлом ривожланишини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири, деб ҳисоблайман. Журналист ишини ҳалол ва холис бажарса, ишдан кетиши мумкинлигига ҳам тайёр бўлиб яшаётгани бор ҳақиқат.

— Бугунги кунда айрим блогерлар журналистлар ёза олмаган мавзуларга қўл урмоқда. Обрўи ҳам профессионал журналистларникидан бошқачароқ бўлаяптими дейман... Ёки фақат менга шунақа туюляптими?

— Блогерлар биздан кўра эркин ижод қилади. Чунки улар давлат идорасида ишламайди. Қолаверса, ҳамма блогерларни тўлақонли ОАВ вакили, деб айтолмаймиз. Улар турли касб эгалари, аммо жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмаслиги ва баъзида биздан-да тезроқ уларга ўз муносабатини билдириши билан асосли равишда ҳурмат қозонганлари ҳам бор. Ҳозир улоқ уларда. Буни тан олиш керак. Бизда расман цензура йўқ, лекин, ички цензурамиз кучли. Ана шу нарса бизга ҳалақит беради. Лекин ғап яхши маънодаги цензура ҳақида кетмаяпти — инсон шаъни, қадриятларимизни поймол қиладиган, ахлоқ-одобимизга зид бўлган, зулм-зўравонликни тарғиб қилувчи нарсаларни эфирга мутлақо бериб бўлмайди! Яхши маънодаги цензура — фаросат, эс-ҳуш шу учун керак. Айтмоқчиманки, қайчилаш — кўрсатувдан рост гапларни олиб ташлаш эмас, уни ортиқча нарсалардан тозалаш, дегани бўлиши керак. Айрим пайтларда эса ҳайиқиш, кимдандир ёки нимадандир чўчиш бор гапни айтишимизга тўсқинлик қилади. Нега шундай бўлди? Энди бунинг илдизи чуқур... Токи ичимиздаги шу ҳадикдан қутулмас эканмиз, блогерлардан бир қадам орқада юраверамиз. Ваҳоланки, зеҳни ўткир, ҳур фикрли, масаланинг моҳиятини тушунадиган ва уни атрофлича таҳлил қилиб берадиган журналистлар талайгина. Ортиқ қўрқиб яшаб бўлмаслигини ҳозир нафақат ОАВ вакиллари, жамият тушуна бошлаяпти. Блогерларнинг борлиги яхши. Лекин, бир-икки йил ўтсин, ғалвир сувдан кўтарилади. Ўшанда ҳам улар худди бугунгидек жўръат билан дадил бўлишса — бундан фақат хурсанд бўлиш керак.

— “Оддий ҳақиқатлар” бир неча йиллар эфирга узатилмадими? Ижодингизда танаффус эълон қилганмидингиз?

— Бунинг ўзига яраша тарихи бор. 2009 йилда хўжайиним билан суҳбатлашиб ўтиргандик. Улар: “Гулмира, қара қирққа қараб кетяпмиз. Алоҳида уй қилиб чиқишимиз керак. Бу ёқда фарзандлар катта бўлмоқда. Бу ёғига нима қиламиз”, дедилар. Иккимиз ҳам давлат ишида ишлардик. Топган маошимизни ойликдан-ойликка улаб ишлатардик. “Иқтисод соҳасида мутахассиссиз, тилни биласиз. Бирор хорижий давлатга ҳужжатларингизни жўнатинг. Бирга ишлаб келамиз”, деб таклиф бердим. Шу билан 2010 йилда телевидениедан бўшаб, оиламиз билан Грузияга кетдик. Ҳа, ҳаёт мажбур қилиб бир қанча вақт соҳамдан йироқлашдим. Лекин, у ерда ўз касбим бўйича ишлаш имконига эга бўлмадим. Афсус, рус тилидан бошқа биронта чет тилини билмайман. Аммо уйда бўлганим зое кетмади.

Раҳматли қайнонам ҳам, раҳматли отам ҳам “уйли-жойли бўлинглар”, деб кўп айтишарди. Мусофирчиликда юрган дамларимиз икки азиз инсонимиздан айрилдик. Отам 79 ёшларида, қайнонам эса 64 ёшларида вафот этишди. Олган уйимизни кўриш уларга насиб қилмади. Ниятимизга етдик, аммо ҳозир ота-онам, қайнонам ҳақида кўп ўйлайман. Уларнинг ёнида бўлишимиз керак эди. 1999 йилда онамдан айрилганман, лекин шундаям энди отамни ёлғиз ташлаб кетиб бўлмаслигини тушунмаган эканман... Энди кеч... Тушуниш — ҳамма нарсани вақтида тушуниш, англаб етиш — муҳим экан.

— Суҳбатингиз учун миннатдорман, катта раҳмат!

— Ташаккур!

Феруза РАҲИМОВА
суҳбатлашди.

СПОРТ

Таиландда бўлиб ўтган U-23 Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси мусобақани «С» гуруҳида бошлаб, гуруҳдан чиқишни амаллаганди. Аммо...

Мақсадга эришиш жуда-жуда қийин экан. Айниқса, футболчилар савияси ўзгармаса...

“Бошқа футбол кўрмайман дейсан-у...”

Чунки, футболчиларимиз нимагадир бир-бирини тушунмай ҳаракат қилишди. Гўё мураббий шу турнир олдидан уларни кўчадан йиғиб келгандек таассурот қолдирди. Хусусан, ҳимоячилар ва ярим ҳимоячиларимиз умуман икки жамоанинг ўйинчиларидек тўп суришди.

Марказий ярим ҳимоядаги бўшлиқ яққол “очилди”. Марказий ҳимояда ҳаракат қилаётган Азиз Ғаниев машғулотларда тепки еган шекилли, ҳатто тўпга тегишдан “кўрқ”ди. Абдулла Абдуллаев эса майдонда нима қилиб юрганини ўзи ҳам билмади-ёв. Айниқса, баъзи ҳолатларда ўз дарвозаси қайси тарафда эканини ҳам “унутиб” қўйгани чатоқ бўлди. Бундан рақиблар мазза қилди. Ҳатто вақтивақти билан гол ҳам уриб олишди.

Тўғри, эронликлар ҳам бизга қарши ўйинда битта тўп киритиш билан кифояланишди. Лекин бу ҳимоячиларимизнинг яхши ўйнагани ёки дарвозабоннинг маҳорати натижаси эмас. Шунчаки эронлик

> “Оғзимиздаги ош”ни қачонгача олдирамиз, эй, Ватан шаъни, ори учун жасорати етмаётган футболчилар! Сизларга қачонгача ишониб, чув тушаверамиз?! Тўғрисини айтай, 1996 йилги савия 2020 йилда ҳам ўзгармабди, начора, яна тўрт йил вақтимиз бор, олимпиада сари тайёрланамиз, “шифо вакцинаси” ўз таъсирини ўтказса, ажабмас...

футболчилар қулай вазиятлардан фойдалана олишмади.

Бизнингча, бош мураббий Любинко Друлович, аввало, эронликларга қарши ўйинда тактика танлашда хато қилди. Аммо кейинги ўйинларда ҳам тактикаси ўзгармади. Бунисига нима дейлик?

Натижада эронликлар шарофати билан гуруҳ баҳсларидан чиқиб олдик. Яна аммо демасдан иложи йўқ, барибир яна ўша учлик — А.Ғаниев, А.Абдуллаев, Ж.Яхшибоев, майдонда ё улар тўпдан қочиб ўйнади, ё тўп улардан қочиб юрди. Нима бўлганда ҳам асосий ишни бажариши керак бўлган ўйинчилар майдонда “кўринмади”.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗДА МАҚСАД ЙЎҚМИ?

“Пахтакор” клубининг сербиялик футболчиси Драган Черан хориж ОАВсига берган интервьюсида шундай деди:

— **Ўзбекистон терма жамоасига Эктор Купер таклиф қилинди. У менталитетни ўзгартиришга уринди, аммо бефойда... Ўзбек футболчиларида мақсад йўқ, тез таслим бўлишади ва катта баҳслардан қўрқишади**.

Наҳотки! Афсуски, Таиландда кўрсатган савиямиз буни исботлади.

Носир ШЕРБОЕВ, журналист:

— Ўйинчиларимизда барқарорлик етишмайди. Ўйинни кўриб “ҳозир гол урамиз”, деб турганингда, навбатдаги мағлубият яна кўнгилни хира қилади. Энди бошқа футбол кўрмайман дейсан-у, Ватан бор-да, унинг шаъни бор-да...

ЎЙИНДАГИ ЎЗГАРИШ...

Гуруҳ босқичидаги нурсиз ўйиндан тўғри хулоса чиқарган жамоа майдонда рақибга ҳеч қандай имконият қолдирмади. БАА жамоасини 5:1 ҳисобида мағлуб этишди. Нафақат футболчилар, балки бутун Ўзбекистон жонланди. “Ўйнаса бўларкан-ку!”

Бундан ташқари, БАА билан бўладиган баҳсдан аввал “Насаф” ва “Бунёдкор” футбол клублари бош мураббийларни Таиландга таклиф этилиши ва ўз шогирдларини руҳлантиришлари ҳам ўз натижасини берди, албатта.

БИР ҚАДАМ ҚОЛГАНДА...

Албатта, Саудия Арабистони жамоаси қитъамизда нуфузли ўринларда туради. Лекин биз ҳам чакана эмасмиз, Осиё рейтингида ўзимизга яраша ҳурматимиз бор. Аммо... Эҳ, шу аммо бўлмаса нима қилади...

Яна ўша эски ўйин, майдондаги пала-партиш ҳаракатлар бошланди. Саудияликлар ўз ўлжасини кутаётган шердек, аввалига нафас ростлашди, сўнгра жамоамизни “титиб” ташлади. Аламли мағлубият: 0:2. Рақиб фойдасига. Эҳ йигитлар, **Токиога бир қадам қолганди-я!**

Лекин учинчи ўрин учун бўладиган баҳсда ўзбекистонлик мухлисларнинг умиди сўнмаганди, ахир Австралия ҳам ҳали бирон марта олимпиадага чиқмаган. Улар ҳам “зўр” эмас. Аммо...

Олимпиячиларимизнинг ярим финал ва учинчи ўрин учун ўтказган ўйинлари барчамизнинг, тўғриси, ҳафсаламизни “пир” қилди.

Саудия Арабистони билан кечган ярим финал ўйиннинг биринчи бўлимида футболчиларимиз анча мазмунли ўйин намойиш этишди. Яққол голга тортадиган вазиятлар уч маротаба ташкил этилди. Бундан фойдаланишда эса ҳужумчиларимизда малака, тажриба етишмади. Хусусан, Бобур Абдухолиқов икки маротаба бўш қолган дарвозага тўпни киритолмагани асабларни жунбушга келтирди.

Ахир, бундай вазиятлардан мактаб ўқувчиси ҳам бемалол гол ура оларди. Шу ҳужумчини негадир мураббий вақтлироқ алмаштирмагани, Бобур жамоада мустаҳкам илдиз отганми, ё ундан бошқа “жонли” ҳужумчи йўқми, деган фикр келаверади одамга.

Қолаверса, саудияликлар биз кутганчалик хавфли рақиб эмас эди. Шу куни улар ўйинда ҳам яққол устунлик қилганлари йўқ. Футболчиларимизнинг шошма-шошарлиги, ўйинга тайёр эмаслиги мағлубиятимизга сабаб бўлди. Рости, Жасурдан Мисси, Азиздан Роберто, Бобурдан Роналду чиқишига юзлаб қовун пишиғи борга ўхшайди...

Бундан ташқари, мураббийга “қойил” қолдим, ҳар сафар бир хил таркиб, бир хил тактика, бу билан нимани исботламоқчи бўлди? Ахир, бу сизга тажриба майдони эмасди, Токио олимпиадаси сари очилаётган йўл эди! Афсус...

Учинчи ўринни эгаллаш дегани сўнгги имконият эди. “Токио-2020” ўйинларига бериладиган йўлланма тақдири эди. Чунки ҳар сафар олимпиядага бир қадам қолганда “қоқиламиз”. 1996 йилдан буён аҳвол шу. 24 йилдан буён-а!

Австралия олимпиячилари бошқа сайёрадан келганлари йўқ. Шу куни улар ҳам оддий футболчилар сингари ҳаракат қилишди. Бир хил кўринишдаги ҳужумлар, тўп оширишларини пухта ўрганган австралияликлар жамоамизнинг навбатдаги хатоларидан унумли фойдаланишди, холос. Йўқса, улар ҳеч бир жабҳада биздан устунлик қилгани йўқ. Хусусан, Ислом Қобиловнинг боғча боласидек ҳаракати жамоамизни мағлубиятга учратди.

Аммо... Ўйин сўнггида негадир ўйинчиларимиз газонга ётиб олишди, худди Таиланд чўққисини забт этганлар каби. Ё ўзларини аламзада кўрсатишдими? Ахир, ўйиндан маълум бўлди-ку, Австралия жамоаси учинчи ўринга лойиқ ўйин кўрсатмади, футболчиларимизнинг “назокатли” ўйини эвазига ғолиб бўлишди.

“Оғзимиздаги ош”ни қачонгача олдирамиз, эй, Ватан шаъни, ори учун жасорати етмаётган футболчилар! Сизларга қачонгача ишониб, чув тушаверамиз?! Тўғрисини айтай, 1996 йилги савия 2020 йилда ҳам ўзгармабди, начора, яна тўрт йил вақтимиз бор, олимпиада сари тайёрланамиз, “шифо вакцинаси” ўз таъсирини ўтказса ажабмас...

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ.

ТИББИЁТ

Самарқанд вилоят болалар махсуслашган сиҳатгоҳида, асосан, сил касаллигига туғма мойиллиги бор ва ушбу касаллик билан оғриганлар билан мулоқотда бўлган, ясси оёқ, чаноқ-сон бўғимларининг туғма чиқиши касалликлари бор болалар даволанади.

Қўллаб-қувватловчи махсус сиҳатгоҳ

Сиҳатгоҳимиз 350 ўринга мўлжалланган бўлиб, сил касалига чалинган беморларнинг ёшига қараб, 3 та бўлимимизда даволаш ишлари олиб борилади. Шундан, биринчи бўлимимиз Самарқанд шаҳар, Спитамен шоҳкўчаси, 17-уйда жойлашган. Бу бино бундан қарийб 104 йил аввал, яъни 1916 йилда қурилган бўлиб, умумий майдони 0,4 гектарни ташкил қилади. 80 ўринга мўлжалланган. Бўлимда сил касаллигига мойиллиги бор, вираж, силнинг нофаол турлари билан оғриган, мулоқотда бўлган гўдакликдан 7 ёшгача бўлган болалар соғломлаштирилади.

Даволаш ишлари химиятерапия ва физиотерапия воситасида олиб борилади. Албатта, бизда аввал сил касаллиги шифохонасида даволангандан кейин, АБП-ДОСТ дастури бўйича қўллаб-қувватловчи фазада бўлган болалар даволанади.

Иккинчи бўлимимиз Самарқанд шаҳар, Хужум кўчаси, 12-уйда жойлашган бўлиб, ҳаракат ва соғломлаштиришга мослаштирилган. 80 ўринли бўлимда ҳаракат-таянч тизими касалликларини реабилитация қилиш йўналишида 2-14 ёшгача бўлган болалар соғломлаштирилади. Бўлимда даволаш ишларини физиотерапия (массаж, парафинотерапия, электрофарез) ва ЛФКда олиб борамиз. Лаборатория хонаси мавжуд.

Учинчи бўлимимиз Самарқанд туманидаги Охалик қишлоғида, унда 7-14 ёшгача бўлган болалар соғломлаштирилади. Бўлим 190 ўринга мўлжалланган. Бу ерда сил касаллиги билан оғриган ва сил касаллигига мойил бўлган болалар даволанади. Даволаш ишлари химиятерапия ва физиотерапия усулида олиб борилади. Иккинчи ва учинчи бўлимларимиз замонавий биноларда жойлашган.

Соғломлаштириш бўлимларида йўлдош мактаблар мавжуд бўлиб, ўқитувчилар ҳамкорлигида фан тўгаракларини йўлга қўйилган ва мунтазам фан ойликлари ўтказиб келинмоқда.

Жамила РАВШАНОВА,
Самарқанд вилоят болалар махсуслашган сиҳатгоҳи бош врачи.

АНА ХОЛОС!

Талабалар ётоқхонасидаги сохта жиҳозлар

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси томонидан Давлат инвестиция дастурига киритилган объектларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини ўрганиш юзасидан ўтказилган терговга қадар текширувда “Ягона буюртмачи хизмати” корхонаси ва “К.о.” МЧЖ мансабдор шахслари Навоий давлат педагогика институти ётоқхонасини жиҳозлаш тўғрисидаги ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб, ҳақиқий баҳоси 556,1 млн. сўм бўлган 31 турдаги жиҳозлар ва мебеллар тўпламларининг нархларини 2,3 млрд. сўмга ошириб кўрсатиш орқали, 1,7 млрд. сўм бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликлари аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ва “К.о.” МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Бош прокуратура Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими.

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

Коронавирус қурбонлари сони — 106 нафарга етди

Хитойда бир кун ичида янги турдаги коронавирус билан чақирилувчи зотилжамдан вафот этганлар сони 24 нафарга ошиб, 106 нафаргача, касалланганлар эса 1,3 минг нафарга кўпайиб, 4515 нафаргача етди.

Вирус ўчоғи ҳисобланаётган Уханда 22 киши, Тяньмэн шаҳрида эса 2 киши вафот этган.

Ўз навбатида гонгконглик мутахассислар Уханда вирусдан касалланганлар сонини 44 минг кишига баҳолашмоқда.

Бу орада Хитойнинг соғлиқни сақлаш ишлари бўйича давлат қўмитаси кўп ҳолатларда вирусдан касалланганлар, айниқса, ёшлар ва болалар касалликни енгил ўтказаётганлари, бироқ вирус ҳаттоки эмизикли болаларга ҳам юқиши мумкинлигини маълум қилишган.

Хабарда маълум қилинишича, касалликнинг инкубацион даври одатда 3-7 кунни, энг кўпи билан 14 кунни ташкил қилади.

Қўмитанинг баҳолашича, ҳозирги турдаги зотилжам Хитойда 2003 йилда авж олган атипик зотилжам (SARS) билан 85 фоиз ўхшашликка эга.

Қулаган самолёт АҚШга тегишли

“Meduza” нашри хабарига кўра, Афғонистоннинг Ғазни вилоятида қулаган самолёт ҳақиқатан ҳам АҚШга тегишли. Бу ҳақда Афғонистоннинг Америкадаги контингенти вакили Сонни Леджетт “Twitter”даги саҳифасида маълум қилди.

“Толибон”нинг “Самолётни биз уриб туширдик”, деган баёноти ёлғон. Ҳозирда авиаҳалокат сабабларини аниқлаш устида иш олиб борилмоқда деб айтган Сонни Леджетт.

Авиаҳалокат қурбонлари сони ва самолётда кимлар бўлганини маълум қилмаган.

Музликлар эриши оқибатида...



Музликлар эриши нафақат дарёлар саёзланиши ва чучук сув етишмовчилигига сабаб бўлиши, балки бошқа жиддий муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Масалан, инсоният ҳеч қачон дуч келмаган вирусларнинг пайдо бўлиши. Бу ҳақда Тибет тоғларидаги муз қатламини ўрганиб, бир қатор кутилмаган кашфиётлар қилган АҚШ ва Хитой олимлари огоҳлантирмоқда.

2015 йил Тибетда олимлар тахминан 15 минг йил олдин шаклланган музликдан намуналар саралаб олишган. 50 метр чуқурликда қазиб чиқарилган намуналар кейинчалик синчиклаб текширилди. Эндиликда, кўп йиллик меҳнатдан сўнг, тадқиқот натижалари эълон қилинди.

Маълум бўлишича, қадимги муз намуналарида 33 гуруҳ вируслар бўлган, хусусан, микробиологлар дастлаб 28 гуруҳ вирусни кашф этишганди. Яъни, Тибет тоғларида жойлашган муз қатламларида бугунги кунда сайёрада учрамайдиган вируслар мавжуд, инсоният цивилизацияси улар билан ҳеч қачон алоқада бўлмаган.

Ушбу кашфиёт сайёрамизнинг бошқа музликлари давридаги номаълум вирусларни ҳам ўз ичига олиши мумкинлигини англатади, уларнинг хилма-хиллиги жуда катта бўлиши мумкин. Бугунги кунда сайёрамизнинг барча минтақаларида, жумладан, Гренландия ва Антарктидада қузатилаётган музликлар қисқариши улардаги вируслар “эркинликка чиқиши”га олиб келади. Янги вируслар ва микроблар-нинг пайдо бўлиши, албатта, микробиологларнинг сайёрамиздаги ҳаёт ҳақидаги билимларини тўлдиради, аммо бу мавжуд ҳаёт шаклларининг, шу жумладан, одамлар ҳаёти учун хавф туғдириши мумкин.

Россияни ортда қолдирди



Хитой қурол сотиш бўйича Россияни қувиб ўтди ва АҚШдан кейин жаҳонда иккинчи ўриндан жой олди. Бу ҳақда Стокгольм тинчлик муаммоларини ўрганиш институти (SIPRI) томонидан эълон қилинган ҳисоботда маълум қилинди.

Ҳисобот 2015 йилдан 2017 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Илгари шаффофлик йўқлиги боис “SIPRI” жаҳон қурол бозоридаги энг йирик 100 компания рейтингига Хитой компанияларини киритмасди. Эндиликда институт экспертлари Хитойдаги учта корпорациянинг 2015-2017 йилларга оид молиявий маълумотига эга бўлди. Ушбу компаниялар томонидан жами 54,1 млрд. долларлик қурол сотилган.

Сурияда қайта амалиёт

АҚШнинг Сурияда ҳарбий бўлинмалари эронлик генерал Қосим Сулаймоний ўлдирилгандан кейин АҚШ қучларини ҳимоялаш мақсадида тўхтатилган аксилтеррорчилик амалиётини қайта бошлади. Бу ҳақда “The Washington Post” нашри АҚШ қуролли қучлари марказий қўмондонлиги бошлиғи Кеннет Маккензига таяниб хабар берди.

Генерал Маккензининг таъкидлашича, аксилтеррорчилик амалиётини тиклаш жадал суръатлар билан бормоқда. АҚШ қўшинлари курд қучлари билан бирга ИШИДга қарши ҳафтасига 3-4 та амалиёт ўтказмоқчи. “Ҳозирда биз биринчи навбатда ИШИДни яксон қилишга эътибор қаратмоқдамиз”, — деб айтган генерал. У АҚШ қўшинлари Сурияда яна қанча вақт қолишига аниқлик киритмаган ва қўшинларнинг турли вазиятларга қарши туришга тайёрлигини маълум қилган.

Авиакомпания жарима тўлайди

АҚШ транспорт вазирлиги йўловчиларни таҳқирлашни тақиқловчи федерал қонунни бузганлик учун “Delta Air Lines” авиакомпаниясига 50 минг доллар жарима тўлаш мажбуриятини юклади.

“CNN” телеканалининг хабар беришича, Париж-Огайо ва Амстердам-Нью-Йорк рейслари билан учмоқчи бўлган мусулмон йўловчилар бошқа йўловчиларда хавотир уйғотган. Биринчи ҳолда йўловчилардан бири мусулмон йўловчининг телефони экранида “Аллоҳ” сўзига кўзи тушиб, тревога кўтарган, иккинчи ҳолатда эса мусулмон йўловчининг хатти-ҳаракати шубҳа туғдирган.

Хавфсизлик хизмати томонидан ўтказилган қўшимча текширувлар мусулмон йўловчилар томондан бирор-бир хавф солинмаганини тасдиқлаганига қарамай, иккала ҳолатда ҳам самолёт сардорлари мусулмон йўловчилар “ноқулайлик туғдирмоқда”, деб уларни рейсдан олишга қарор қилган.

Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.

ТААССУФ

Қуйи Чирчиқ тумани Гулистон массивидаги "Гулистон Агро Файз" фермер хўжалиги раҳбари Акмалхўжа Турсунхонов қарийб бир йилдан буён туман ҳокимининг 2019 йил апрель ойидаги 1305-сонли қарори юзасидан норизо бўлиб турли идораларга бош суқиб, адолат излаб юрибди.

Нонингни туя қилмоқчими, фермер?

ёки Олий суд қарори ижроси нега пайсалга солинмоқда?

Тумандаги илғор фермерлардан саналган хўжалик 2015 йилда ташкил этилган бўлиб,143 гектар ер майдонига эга эди. Хўжалик пахтачилик, ғаллачиликдан эришган юқори натижаларни эътиборга олган маҳаллий раҳбарлар 28 ёшли фермер Акмалхўжа Турсунхоновга яна 242 гектар унумсиз ерлардан қўшиб беришади. Жами 387 гектар ерга эгалик қилган фермер жон-жаҳди билан меҳнат қила бошлади. Хўжаликни оёққа турғазди. Соф даромадлари ҳисобидан моддий-техник базасини замонавий, иш унуми юқори техникалар билан мустаҳкамлаб, кенг тармоқли фермер хўжалигига айлантирди. Аммо ҳамма ғалва шундан кейин бошланди...

Фермер хўжалиги ишлаб чиқариш билан бир қаторда ўзининг машина-трактор паркига эга. Хўжалик ўз техникалари билан ёнатрофдаги фермер ва деҳқонларга шартнома асосида доимий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, дуккакли экинларни саралаш ва қадоқлаш цехи, асаларичилик, полиз ва сабзавот етиштириш ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш мини заводини ҳам қуриб, ишга туширди. Бизга қизиқ туюлгани, бугунги кунда фермернинг фаолияти нега қўллаб-қувватланмаяпти? Фермер эришган ютуқ туман учун ҳам обрў эмасми?!

Шу тариқа ёш фермер қишлоқда янги ишчи ўринлари яратиб, кам таъминланган оилалар бюджетини мустаҳкамлади. Энг муҳими, фермер хўжалиги ташкил этилгандан буён давлатга бошоқли дон, пахта ва пилла хомашёси етказиб бериш шартномавий режасини бажариб, нафақат туманда вилоятда ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмади, албатта.

Унумсиз ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ернинг балл бонитетини кўтаришга қаратилган тадбирлар асосида иш олиб борилганлиги сабабли юқори натижаларга эришиш мумкинлигини соҳадан хабари бор мутахассислар яхши билишади. Лекин... тумандаги оқсоқ фермерларнинг ер майдонларини янги ташкил этилган пахта тўқимачилик кластерига бўлиб бериш жараёнида илғор фермерларнинг ҳам ер майдонлари кўз остига олинди.

Туман ҳокимининг "қарори" билан илғор фермерларни сарсон қилиш, ишдан совутиш бошланди. Натижада янги иш ўринлари яратиш баҳонасида ишлаб турганлар ишсиз қолди. Лекин адолат ва ҳақиқат барибир қарор топади. Аммо бунгача қанча оворагарчилик, узоқ чўзиладиган суд жараёнлари, энг ачинарлиси, ер устида талашлар бошланади. Бир инсон тақдири деганда унинг оиласи, фарзандлари ҳам тушунилади. Эртани ўйламай чиқарилган "қарор" ортида қандай манфаатлар тўқнаш келар экан...

Энди асосий гапни айтганда, пахта тўқимачилик кластерига бириктирилган ерлардан туманда мўл-ҳосил етиштирилдими, бу тизим туманда ўзини оқладими, деган савол туғилади. Биз туманга бориб ҳосилдан бўшаган ер майдонларига назар солсак, ўт босган дала ва шудгор қилинмаган ерларга дуч келдик. Фермернинг таъкидлашича, кластер тумандаги илғор фермерлар билан рақобатлашишга ботина олмаяпти. Яна бир гап, ижтимоий тармоқларда вилоят масъулларидан бирининг қуйидаги фикрлари одамни ташвишлантиради.

— Қуйи Чирчиқ туманидаги пахта тўқимачилик кластери 2019 йилда иш бошлади. Мазкур кластер фермер хўжаликлари билан пахта сотиш бўйича тўғридан-тўғри фъючерс шартномалари асосида фаолият кўрсатди. Пахта тўқимачилик кластери низомида фермер хўжаликларига пахта етиштириш учун талаб этилган барча моддий ресурслар етказиб бериш билан бир қаторда, техника хизматларини ҳам кўрсатиб, пахта етиштиришда амалий ёрдам беради, дейилган. Аслида унумсиз ерларда тузилиши назарда тутилган кластер нега ўзи билан рақобатлаша оладиган фермерларнинг ерига босим остида кўз олайтирмоқда?

Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев куни кеча Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "...Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамиз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари кутганларидек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди", дея таъкидладилар.

Ҳақ гап. Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими Акмал Холмуродов томонидан чиқарилган 1305-сонли қарор одил судловнинг барча босқичларини босиб ўтди. Ҳатто, вилоят маъмурий суди инстанцияларида кўрилиб, "Гулистон Агро Файз" фермер хўжалиги манфаатларига путур етказди. Фермер хўжалигининг узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги туман ҳокимининг қарори ўтган йили 8 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида назорат тартибида кўриб чиқилди. Ишни назорат тартибида кўрган судьялар қуйи судлар мавжуд ишнинг асл моҳиятига адолат билан ёндашмаганликлари, ҳар иккала инстанция суди қонунбузилишларни билатуриб, унга нохолис ва бирёқлама қараганликлари назорат тартибидаги суд жараёнида кўриниб қолди. Ишни адолат тамойилида кўрган Олий суднинг назорат ҳайъати Қуйи Чирчиқ туман ҳокимининг 1305-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топди. Халқимизнинг "Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди", деган нақли нақадар рост.

— Менинг ҳақлигим ишда тўпланган ҳужжатларда тасдиқланди, лекин ҳозирга қадар маҳаллий раҳбарлар Олий суд чиқарган қарорни инкор этишиб, бажаришни пайсалга солиб келишмоқда. Ҳақиқат сунъий тарзда букилмоқда, — дейди фермер А.Турсунхонов.

Фермернинг мурожаати бўйича туман ҳокимиятида бўлдик. Бизни туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Зикрилло Набиев қарши олди.

— Ҳақиқатан ҳам Олий суд назорат ҳайъати томонидан туман ҳокимининг қарори бекор бўлди. Мен шахсан "Гулистон Агро Файз" фермер хўжалиги фаолиятидан мамнунман. У бугунги давр фермери. Олий суд қарори ижроси юзасидан айтадиган бўлсам, бизга ҳам босим бўляпти... (Ким томонидан эканини сир тутди). Агар ижрони таъминлайдиган бўлсак, туманимизда яна бир қанча фермерларнинг ҳокимнинг қароридан норозилиги бор, улар норозилик билдиришидан ҳайиқяпмиз, — деди.

Мана сизга асл ҳақиқат. Туманда ҳокимликка кучи етадиган, ноқонуний қарорни ёқлаб чиқадиган, Олий суд чиқарган қарорни ижро этилмаслигидан манфаатдорлар ҳам бор экан. Туман ҳокимлигининг ҳуқуқшуноси Олий судда ҳоким қарори бекор бўлгандан сўнг вазифасидан озод қилинибди. *(Эҳтимол ютиб чиқмагани учун Х.Қ).*

Мамлакатимиз раҳбари судлар мустақиллигини таъминлаш, юртимизда адолат устуворлигига эришиш лозимлиги юзасидан нечоғли куюнчаклик билан сўз юритмоқда. Минг афсуски, жойларда ҳатто Олий суд қарорлари ижроси ҳам пайсалга солинса, бу қанақаси бўлди?!

Ҳикматулло ҚОДИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Реклама ҳуқуқи асосида

XalqBanki

«Совринли»
Миллий валютадаги муддатли-ютуқли омонати

Ютуқлар сони 108 та.
Супер ютуқ "NEXIA-3" ва "SPARK" автомашиналари ҳамда 106 та пул ютуқлари!

6 ой Омонатни сақлаш муддати

Йиллик фоиз ставкаси 17%

Энг кам миқдори белгиланмаган.

2 000 000 сўм ва ундан юқори қолдиққа эга бўлган ҳисоб-варақлар иштирок этади.

Хизматлар лицензияланган.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги "Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Меҳнат бозори муҳожирлари

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Меҳнат мигрантларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармалари ташкил этилган.

Ҳар йили республика меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ ёшлар кириб келаётибди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилаётганига қарамай, ташқи меҳнат миграциясининг катта оқими сақланиб қолмоқда.

— Чет элга ишга жўнатаман, деб фуқаролардан фирибгарлик йўли билан пул олганларга қандай чора кўрилмоқда? — деган саволга Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бўлим бошлиғи Бахтиёр Турсунов шундай жавоб берди:

— Афсуски, соҳада яратилаётган имкониятларга қарамай, айрим хусусий бандлик агентликлари орқали хорижга ишга кетаётганлар орасида кутилмаган шароитларга дуч келаётганлар, алданаётганлар учрамоқда. Бу каби хусусий бандлик агентликлари фаолияти ваколатли органлар томонидан назоратга олинган. Масалан, "Ҳуман" хусусий бандлик агентлиги раҳбарлари устидан бошланган суд якунига етди.

— Бугунги кунда, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Россия Федерацияси, Польша, Туркия, Латвия, БАА, Болгария, Қозоғистон, Қувайт давлатларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уюшган тартибда меҳнат фаолияти билан таъминлаш мақсадида 60 та иш берувчилар ва бандлик агентликлари билан аниқ келишувлар мавжуд, — дейди Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаменти биринчи котиби Рустам Ғозиев.

Ўз мухбиримиз.

МУТОЛАА

Очиғи, эпик прозага, жажжи ҳикояларга иштиёқмандлигимдан «Уруш ва тинчлик»ни қайта-қайта ўқишим мумкин, менга Вилъям Шекспир ёки Антонио Кальдерон асарлари сунъий тафаккурдек, ясама майдондек туюлса-да, театр — тил яшаб қолиши ва бойиши майдони. Қадимги юнонлар айнан театр ва амфитеатр барпо этгани учун тили ва маданиятини мукаммал асраб қолди. Абдуқаҳҳор Иброҳимовни ҳам айнан шу майдонда кўрамиз.

АСЛ КИТОБ ҲИКМАТИ

У «Уйқу келмас кечалар» романини ёзди... Эпик тафаккур соҳиби эканлигини намоён этди. Тошкентдан, ўзбек тили мўътадил, шевалар ва лаҳжалардан йироқлиги боис, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Фарҳод Мусажонов, Хуршид Дўстмуҳаммад сингари забардаст носирлар етишиб чиқди. Менимча, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг бош китоби, барибир, «Бизким, ўзбеклар...» бўлди. Маънавият ҳақидаги эсселари бўлди...

Бу китоб дунёга келишида ёш муҳаррир бўлишимга қарамасдан анча қаттиққўллик қилганман... «Бизким, ўзбеклар...» беш марта қайта нашр этилди. Тўлдирилди, такомиллаштирилди.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов қаршисида минг йиллардан бери давлатчилигини тараққий эттириб келган, юксалиш ва турли талотумларни бошдан кечирган ўзбек халқи турарди. Ўзбеклар ниҳоятда рангбаранг этнос. Мусиқа, қўшиқ ва рақсда Тошкент — Фарғона, Самарқанд — Жиззах, Хоразм йўллари каби Бухоро — Қашқадарё — Сурхондарё сингари дарёлар мавжуд.

Тошкент ёки Бухоро шаҳрида вояга етган болакай бахшичилик ҳақида тасаввурга эга бўлмаслиги мумкин, аммо айни чоғда тафаккурида мумтоз адабиёт тимсоллари яшайди. Абдуқаҳҳор Иброҳимов бошқалар қаторида ўзбек халқи «конгламерант», яъни бир қанча ранг-баранг этнос. Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Туркиядан ташқари Европа мамлакатларига ҳам сочилган катта халқ эканлигини керакли фактлар билан исботлаб берди.

Мустақил миллий давлат — ҳудуд, аҳоли, тил асосида бунёд бўлади. Истиқлол туфайли ўзбек тили ва адабиёти янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Давлат идораларидан тортиб Қуролли Кучларгача, нашриётлардан бошлаб бозорларгача ўзбек тилида иш юритиладиган бўлди. Айниқса, исломий мерос кенг нашр этилиши, хусусий нашриётлар кўпайиши Давлат тили бутун мамлакатни қамрашига асос яратди. Ўзбек адабий тили минтақамиз миқёсида қардош мамлакатларда, маданият муассасаларида ўзаро келишув асосида кенг ишлатилмоқда. Айни маҳалда 130 дан зиёд Миллий-маданий марказлар — мустақил тиллар ва маданият марказлари фаолияти туфайли бошқа тилларни асраш ва бойитишга ҳам давлат раҳнамолик қилмоқда.

Навоий, Бобур энциклопедияси ва луғатлари тайёрланди. Ишончим комилки, Ўзбек фольклори луғати, Ўзбек меъморчилиги луғати, Ўзбек каштачилиги, пазандачилиги луғати ва яна юзлаб луғатлар тайёрланади.

Глобаллашув ва оммавий маданият... Кўпчилик глобаллашув янги ҳодиса дейди. Бу, тўғри эмас. Глобаллашув ўзбекларнинг аждодлари Хунлар, Кўк-турклар, Кушонлар, Қорахонийлар, Чингизийлар, Темурийлар, Шайбонийлар, Бобурийлар йирик-йирик салтанатлар тузганда, Александр Македонский ёки Араб халифалари қўшинлари, Россия империяси батальонлари Туркистонга бостириб кирганда рўй берган. Туркийлар дунёга ҳарбий санъатни, бошқа халқлар эса маданият, дин ва илмни сингдирди. Бир маҳаллар «мадраса», «масжид» каби истилоҳлар бегона бўлган бўлса, кейинчалик «казарма», «цирк», «театр», «гимназия», «университет» етти ётдек кўринган. Оммавий маданият туфайли паркка, экскурсияга, туристликка борамиз. Оммавий маданият ва глобаллашув туфайли ўзбек боласи инглиз ё хитой тилини ўрганади. Бу масалада, менимча, глобаллашув ва оммавий маданият ахлоқи ҳақида сўз юритилса тўғрироқ бўлади. Ватанимиз қадимий қадамжоларидан бири Нурота муҳитида вояга етганимиздан бошқа жойларда болалар нега биздагидек нотаниш кимсаларга салом беришмайди дея ҳайрон бўлардик. Бугун муаззам Тошкентда болакайлар деярли ҳаммага салом беради.

Ватан ва халқ ҳақида алоҳида китоб ёзишнинг ажойиб бир натижаси бор экан. Шимолий Кавказда Расул Ҳамзатов асари Доғистонни янги давр ғулғулаларидан асраган бир восита бўлса, Имант Зиедонис, Ўлжас Сулаймонов, Абдуқаҳҳор Иброҳимов эссеистик асарлари ўзлари мансуб республикаларда тил теварагида мамлакат ва халқни бирлаштириб тургувчи кучлардан бирига айланди. Оммавий талотум ва ўпирилишлар рўй бермади. Ўзбекистон, Литва, Қозоғистон йигирма биринчи асрга катта йўқотишсизларсиз қадам қўйди. Ўз тарихи ва ўзлигини англашга интилиш кучайди, десак муболаға бўлмайди. Асл китоб ҳикмати ҳам шунда.

Барнобек ЭШПЎЛАТОВ,
«Шарқ» НМАК бош таҳририятининг етакчи муҳаррири.

ШЕЪРИЯТ

Баҳтли бўлиб кўринай мен ҳам...

Бобур ЭЛМУРОД

Фотоаппарат ва мен

Сен боққан чоғ нега одамлар
Хушсуратдир, кулгидан тўйган.
Мен термулсам — саргайган ўтлар
Ва дарахтлар гулламай қўйган.
Сен кўз солсанг онам кўп дилбар,
Отам бардам қад кериб турар.
Мен боққан чоғ — онам муштипар,
Отам эса ҳассада юрар.
Нигоҳингда дўстим улуғвор,
Бекаму кўст турар мулойим.
Мен қарасам у бечораҳол,
Оқсоқланиб юради доим.
Вақт ялмоғиз — учар хотиржам,
Кўрганларим ўхшамас чинга.
Бахтли бўлиб кўринай мен ҳам,
Бир зумгина кўз ташла менга.

Юк

Биз томонга келар икки зот,
Олис тоғлар бағирларидан.
Бири ёйдек эгилиб борар,
Тўрвасининг оғирлигидан.
Хамроҳининг қўли эса бўш,
На юки бор, на бир насаби.
Мунгаярди хомуш негадир,
Юк кўтарган шериги каби.
Чиқар эди турфа хил нигоҳ,
Сайёҳларнинг ўнгу сўлидан.
Бари бир хил — ҳориган чолнинг
Тўрвасини олар қўлидан.
Ғамга ботар эди бундай пайт,
Йўлдошининг қорачиқлари.
Оғирлашиб борарди унинг
Чап кўксида турган юклари.
Ўтиб борар одамлар тўп-тўп,
Ортда қолар саргайганча йўл.
Наҳот улар битта кўнгилни
Кўтаришга узатолмас қўл?!

Фил фалсафаси

Қари филнинг танасида,
Яшар эди кўплаб жон.
Қора қарға, ола қарға
Ҳамда кулранг кўрсичқон.
Кўрмагандим — вазминликка
Бир кун ўлим йўлашини.
Кўрмагандим — улканликнинг
Баландликдан қулашини.
Қарға қанот қоқди-кетди,
Сичқон топди бошқа ин.
Ҳарқалай, бу синов эди,
Ярми ёлғон, ярми чин.
Огир эди бундай ўйлар,
Оғирлашиб кетди бош.
Филнинг ўйчан кўзларига
Тўлиб келди улкан ёш.
Йўл кўрсатиб тургувчи куч,
Ҳайвонда ҳам юрак экан.
Ўзинг билан қолиш учун,
Баъзан ўлиш керак экан.

Кимёгар дўстимнинг ўйлари...

Сунъий гул ясаб тонгда
Бироз хаёлга толдим.
Унда бол излаб келган
Арини кўриб қолдим.
Буни узоқ ўйладим,
Тажрибам тугагунча.
Шеърда икки оғиз гап
Илмда кенг тушунча.
Ўйладим, моддаларнинг
Бирлашуви бир чақа.
Қандай бирлашган экан
Тошлар билан тошбақа.
Ишонмадим муҳаббат
Кўнгилда яшар деса.
Билмадим, севиб қолиш
Фанда қандай ҳодиса?
Багритош деди бир қиз,
Ошиб кетгандим ҳаддан.
Туни билан ўйладим,
Кўнглим қайси моддадан?
Билмас эдим не учун
Кўзимга ёш тўлишин.
Бир томчи ёш қуримай,
Қаерлардан келишин?
Менинг гуноҳим қайда,
Қайда менинг савобим.
Гул ясамайман бошқа,
Шудир менинг жавобим.
Сунъий гулга термулиб
Йиғлаб, ўй суриб қолдим.
Ахир унда жон берган,
Арини кўриб қолдим.

ҲИКОЯ

Гўжум

Тилла суви югуртирилган куз жилва қилганида Абдусамад отанинг оёғидаги бод осмонга чиққан булутдан дарак берарди. Чол гувала деворга ҳассасини суяб ёз бўйи ташқарида қолган ўзи ясаган эски танча устида ўтириб ўнг тиззасини муштлаб-муштлаб қўйди:

"Тавба, тиззангга муштласанг мушт бошингга тегадиган замон ҳам келганга ўхшайди, ёз чилладан ўтганга қиш чилла ғов деганларича бор экан. Тавба! Тавба, нималарни ўйлаяпман ўзи... Омонат барибир омонатда, бировнинг ҳақи бировда қолган эмас, Эгамнинг ҳақи ҳам," деди йилтиллаган кўзидан ёш сизиб. Кун кўрмаган бандага кунчувоқда ҳам кун йўқ экан, зум ўтмай айвонда келин Манзура мушукни қувиб қарғишлай кетди.

— Ҳа эгагинангни егур! Бирамас, товуқнинг икки оёғини еб кетипти! Ур! Ур! Ана қочди! Нима кўзинг кўрми нима бало?! — деди у ҳозиргина кўча эшикдан сумкасини қўлига олиб ҳовлига кириб келган ўғли Рустамни мушук томон ундаб.

Рустам эса бир уй бурчагидан бурилиб кўздан ғойиб бўлган мушук томонга, бир айвондаги лой супа устига қўйилган сирли темир лагандаги янги сўйилган товуқ гўштига қараб онасига анграйди.

Манзура эса одатдагидек ҳар ишда ўзини оқлашга гап топди.

— Уйга кириб чиққунимча олибди, яшшамагур!

Рустам сумкасини эски олача гилам устига қўйиб онасининг гапидан ҳайрон,

— Товуқними? – деди.

— Балони! Кўрмаяпсанми, ана иккита оёғи йўқ!

Рустам офтобрўяда мудраб ўтирса-да бундай пайтлар сергак туришини билиб бобоси томонга ҳам қараб қўйди.

— Туриптику! — деди у онасини баттар тушунолмай.

— Қани?!

— Мана!

— Ўзи товуқни кўрганмисан? — деди Манзура шаҳд билан сирли темир лагана узана туриб.

— Ўзингиз кўрганмисиз? – деди Рустам бунақа пайтлар бир мушт еб қолишдан чўчиб, бир қадам орқага тисланиб.

Манзура ўғли Рустамнинг гапидан ўзини бирлаб ҳовлида донлаб юрган товуқларга қараб қотиб қолди.

— Ҳа, иккита оёғи... мен бўлса тўртта деб хаёлим кетганига қара-я.

— Ана! Товуқни кўрганмисан эмиш, ўзи ҳеч товуқ тўрт оёқлаб юрганини ўзингиз кўрганмисиз? — деди Рустам бобоси томонга ўзича мағрурона илжайиб.

"Эганг" деган гапга ҳамиша эгалик қиладиган Абдусамад ота бу гапларни эшитиб кўзидаги ёшни артиб қулиб қўйди. Аммо келин Манзура ҳали ҳам ўзини босиб ололмаганди.

— Қаёққа? — деди у бобоси томон кетаётган Рустамга қўл силтаб.

— Ҳозир бовам билан...

— Қайт! Орқанга қайт деяпман! Палакат уйимизда экан. Янги тиши чиққанмиш чолнинг, — деди у ўғли Рустам ўзидан узоқлашгани сайин ижирғаниб.

Салом-аликдан сўнг, Абдусамад ота набираси Рустамни елкасига уриб "баракалла" дегандек сўзсиз эркаладди. Тунов кунги эри билан бўлган жанжал-тўполондан сўнг иккала ўғли ҳам ўзига бўйсунмай кундан-кун айтганини қилмай қўяётган Манзуранинг баттар жағи очилди:

— Қарига тиш битса ёшнинг бошини ермиш! Ҳа, тишгинанг ўзингнинг бошингни егур!

Бола бўп айтганингни қилмайди булар! Ҳамма ишга ўзим, келин эмас келисоп бўп кетдим бу рўзғорда? — деди у аламини очиқ қолган деразалардан олиб.

Шарақлаб ёпилган дераза томонга қараб олган Рустам бобосининг бўйнигача салқиб тушган ажинларига разм солиб,

— Йиғладингизми? — деди.

— Елвизак, елвизакка болам, — деди Абдусамад ота гўшти қочган иякларида ҳилпираб турган кўса соқолини кўрсаткич бармоғи билан силаб.

— Ёки тоғам гужумни кесганига?

— Қўявер, тоғанг ҳам онанг айтганига... отангга қўй десам ўша куни феълини кўрсатиб айтганимни қилмади. Ичмаганмиди ишқилиб?..

— Йўқ, — деди Рустам бу сафар чину ёлғон отасини оқлаб.

— Сен айтсанг, ишонаман, — деди Абдусамад ота гап ораси илмоқ ташлаб набирасига ростгўй бўл дегандек. Чуқур хўрсиниқдан сўнг ота дардкашини топгандек.

— Момонг эканди-да уни, — деди.

Бу гапдан сўнг Рустамнинг кўзларида топишмоқнинг жавобини топгандек шодлик учқунлари чақнади.

— Биламан, Робия момомники бўлган, бунисини, сиз...

Абдусамад ота бош ирғаб, — ...Ўшанда, баҳор ўтиб қолганди, — деб гап бошлади, — Бу икки гужум ниҳолини барглаб турган ерида олиб келгандим. Худога таваккал қилиб эккандик ўзиям.

Уруш тугаб қаҳатчиликнинг қаҳри жондан ўтиб турган пайтлар эди. Нимасини айтай, бирга яшаб кетиш учун дилингдаги эмас, оғзингга теккани ҳал қиладиган замонлар эди. Момонг ҳам бу ниҳолни нимага жуфт олиб келганимни сездими, "агар шу иккки гужум тутиб кетса яшаб кетармиз..." деди.

Одамзот пешонасида борини кўраверар экан. Совхоз бўлди, колхоз бўлди, пудрат бўлди, барибир деҳқоннинг оти деҳқон экан. Шукур қилмасам Қаҳҳорнинг қаҳри келади, кетмоним билан пешонамиз бирга ярқиради. Сувчи бўлганим билан ҳалол яшадим. Одамнинг девори паст бўлгани билан ғурури баланд бўлсин экан.

...Аввал, тўрт амманг туғилди, отанг Тиловбердидан олдин Худойберди деган улимам борида. У ченнади. Полвон бола эди ўзиям. Кампирлар бўйни пишиб, бичилиб қолганини кўриб "бўғизлов" бўлган дейишди. Момонг иккковимиз уни бозорга қассобнинг олдига олиб бордик. Шарти шу экан, қассоб пичоғини тескари қилиб боланинг бўғзига бир икки олиб борди. Шусиз ҳам пахта баҳона элда "бўғизлов" кетаётган маҳалда шу ҳам бошимизда бор экан. Қассобга нарзини бериб уйга қайтган кунимиз гўдак бечора баттар эммай қўйди. Духтир дегани ҳам топилмас замонлар эди, табибга олиб бордик. Табиб, "тоза кесак сепмагансиз болага, қони бузилган" деди. Ҳозир духтирлар буни инпекси дейди. Шу, инпекси тушдими, ишқилиб... момонгнинг бўлари бўлди... Худойим марҳаматини дариғ тутмади, икки йил ўтиб отанг туғилди.

Бу катта бўп ўчоқдан чала ёнган чўпни олиб ҳам чизадиган бўлди. Мен полвон бўлади деб умид қилгандим. "Рассом бўламан, қишлоғимизни чизиш учун ҳам шаҳарда ўқишим керак", деди. Момонг ўртага тушди, бўлмаса... қаримай туриб соқол қўйди, соч қўйди, мени кўса отим минан ер қилди. Бу шаҳар кўрди-да, аввал "отиш"ни, кейин кун бўйи чўзилиб ётишни ўрганди. Қўли кетмон, ўроқ кўрмади. Охири мактабда расм маллим бўлди. Момонгнинг кўнгли учун аярдим.

Рустам бобосининг бу ҳикоясини кўп эшитган бўлса ҳам индамади. Уй ичи жимиб қолганини пайқаб, бир кўзини қисиб яна гужум томонга қаради.

— Буниси, сиз эканингизни билардим, — деди у бобосининг суяниб юрадиган қайрағоч ҳассасига қараб олиб. Чунки асо кесилган қайрағоч шохидан йўниб ясалганди.

— Ҳа, бўйи баландроқ бўлгани учун момонг шундай дерди. Уям менга ўхшаб қартайиб қолди. Меваси бўлмаса ҳам сояси бор, нима дединг? Оти гужум қайрағоч бу — қари оғоч.

— Ҳа, буни отам ҳам биларкан. Ўша куни эшитдингизми, онамга: "Уканг шунақа дарахт кесадиган бўлиб қолган бўлса аввал менинг олдимга келсин! Отамни чопиб кўринглар-чи, тинч қўйинглар, етар!" деди.

— Момонг ўргатган ўнгаям. Отанг болалигида бу икки гужумни отагужум, онагужум деб катта бўлган. Бир расмида чизган ҳам экан. Момонг йўл олди бир гужумга урчуғини танғиса, бирига катта рўмолини ташлаб йўл тадоригини кўрарди.

Шу ерда Абдусамад отанинг гапи бўғзида чала қолди.

— Рустам! Рустам деяпман! Калланг қуйилиб ҳам битмадинг! Каллангни суйилтириб юборади бу чол! Бўл, ўчоқ бошига ўтин олиб кел! — деди Манзура бу сафар эшикни оёғи билан туртиб ёпиб айвонда қаққайганча.

Абдусамад ота набираси Рустамга "боракал" деб боши билан имо қилиб яна тизасини чангаллади. Негадир кўнгли беҳузур бўлиб дилдираб ҳовлидаги нарсаларга бир-бир разм солди:

Арава, — қўшотар замбарақдек юлдузни кўзлаб ҳангуманг, бир оёқсиз ҳеч қайга юролмасди. Ҳовли адоғига кўмилган якка мих узилган арқонни белига хамойил қилиб таққан қиздек турар, қолган бўлса унда ҳам шу бир қулоч арқон билан Абдусамат отанинг Қорабайир отидан икки толим қора ёл қолганди. Деворга суяб қўйилган тиши синган омоч эса негадир шу лаҳзада Абдусамад отанинг ичини тошлоқ ерни ағдаргандек ағдара бошлади, яна ўйга берилди:

"Икковимиз ҳам тишсиз қолдик. Кимдан эшитган билмайман бу келин, эти қочган иягимни тиш деб қарғайди. Келиннинг дастидан уйга қадам қўёлмай қолган муштипар қизлар, бировнинг хасми бўлса... Болаларимга нон чайнаб берган тишларим қарғалди. Азобларни тишлаган, рўзғор деб, бола деб ситамлардан синган, ичим тўкилса тўкилган тишиларим қарғалди. Энди бу оёқнинг оғриғини тишларга тиш қани, ўзинг кетдинг, гужум кетди, онаси..."

Зум ўтмай Абдусамад отанинг бўғзига нимадир тиқилгандек бўлди. Етти қадам нарида кесилган гужум ўрнида кўзига кўринган аёли Робия момо кулиб ўзига имлаб турганини кўриб, — Аллоҳу акбар! — деди.

Отагужумнинг шохлари орасидан чумчуқлар пир этиб учди. Барглари қўнғир рангга кириб қолган дарахтнинг соясига ишорат бериб бир барг тўкилди.

Келин Манзура эса чапини дунёдан йиғиштириб, ўнг оёғи олдинга чўзилган, қўлини тиззасига қўйиб гувала девор тутган боши хиёл эгилган Абдусамад отани пинакка кетган дея ўйлаб ҳамон қарғишларди...

Дилором ДИЛХОҲ

САНЪАТ

Ўзбек миллий маданияти ва санъатида доирачилик мактабининг алоҳида ўрни бор. Шу муносабат билан "Ўзбекконцерт" давлат муассасасида ўзбек доира санъатининг дунёга танилишида катта ҳисса қўшган санъаткор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, доира зарби устаси Аббос Қосимов билан учрашув бўлиб ўтди.

Дунёни лол қолдирган ЎЗБЕК ДОИРАси

Ўз ижро йўналишига эга санъаткор "тескари зарб" ижрочилик йўлидан фойдаланиб, юртимизда илк бор карнай-сурнай, ноғора каби миллий созларимизнинг имкониятлари нақадар кенглигини бутун дунёга намойиш қилди. Моҳир доирачи йиғилганларга чет элдаги фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Аббос Қосимов доирачилик санъатида содда ижрочилик йўлидан эмас, мураккаб йўналишни танлаган ҳолда доирачиликни халқ қалбига сингдира олди. У профессионал ижрочи сифатида ҳам юксак бадиий асарлар яратган. Тинимсиз изланишлари, машаққатли меҳнати, санъатга фидойилиги, кучли иродаси туфайли бугун нафақат юртимизда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзбек миллий санъати, маданияти довруғини оламга таратмоқда. Бундан ташқари, у доира ижрочилик санъатида алоҳида мактаб яратган устоз сифатида хорижий давлатларда ҳам кўплаб шогирдлар етиштира олди.

— Бундан бир неча йил илгари "Аббос" гуруҳини ташкил этиб, юртимиздаги турли даражадаги тадбирлар билан бир қаторда, чет эллардан ҳам мухлислар орттирдик, — деди Аббос Қосимов. — Ўзбек доирачилик мактаби анъаналарини салкам 15 йил хориждаги мухлисларимизга тақдим этдик. Ёшликдаги орзуимга қийинчилик билан эришган бўлсам-да, мени ва гуруҳимни қўллаб-қувватлаганларга ўз миннатдорлигимни билдираман. Яқинда муҳташам "Халқлар дўстлиги" санъат саройида, юртимиз тарихида илк бор, доира ва зарбли чолғулар иштирокида концерт дастури тақдим этмоқчимиз.

"Зарб шоу" деб номланадиган концерт дастурида нафақат ҳамюртларимиз, балки АҚШ, Таиланд, Туркия, Озарбайжон ва қўшни давлатлардан ҳам меҳмонларнинг ташрифи кўзда тутилган. Концерт шоу тарзда намойиш этилиб, унда таниқли хонандаларнинг чиқишлари ҳам режалаштирилган.

Ҳикматулло ХЎЖАҚУЛОВ.

БОЖХОНА БЕКАТИ

Тошкент халқаро аэропорти орқали Деҳлига парвози олдидан "яшил" йўлак орқали чиқиб кетаётган йўловчининг безовталаниши божхоначилар диққатини тортди.

Тилла камар фош бўлди

Шундан сўнг ушбу шахс белгиланган тартибда ва холислар иштирокида кўздан кечирилганида, унинг камари аслида тилладан эканлиги фош бўлди.

Божхона ходимларини чалғитишга уринган ушбу шахс 122 гр. оғирликдаги тилла қуйма бўлагини гўёки камарнинг тўқа қисми сифатида олиб чиқмоқчи бўлган экан.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, яширинча олиб чиқишда тўхтатиб қолинган қуйма олтиннинг қиймати салкам 56 миллион сўмни ташкил қилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини, шунингдек, судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида "Адолат — қонун устуворлигида" танловини эълон қилади.

"Адолат — қонун устуворлигида"

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидаги ислоҳотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловда беш ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2020 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

Танловда қуйидаги йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланади:

1. "Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист" (1, 2, 3-ўринлар);
2. «Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист" (1, 2, 3-ўринлар);
3. "Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист" (1, 2, 3-ўринлар);
4. "Энг фаол судья ва суд ходими" (1, 2, 3-ўринлар);
5. "Энг фаол илмий ходим" (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича ғолиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил:
100186, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй.
Телефон: (71) 239-02-43,
электрон почта — matbuot@sud.uz

ТАФАККУР

Икки нарса элни тутиб туриш учун маҳкам боғичдир: бири — ҳушёрлик ва зийраклик, бошқаси — адолат. Элнинг негизи мана шулардир.

Юсуф Хос ҲОЖИБ.

Адолатнинг ҳукм сургони ерда ислоҳни кераклиги йўқ.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ.

Аҳоли ўртасидаги муносабат ва муомалаларни тартибга соладиган қонунлар лозим, токи ўртамизда тушунмовчилик пайдо бўлиб, жамиятимиз паришон бўлмасин.

Абдурауф ФИТРАТ.

Маърифат соҳиби бўлмак учун аҳволи оламдан хабардор бўлмак керак.

Абдулла АВЛОНИЙ.

МУЛОҲАЗА

Мамлакатимизнинг қайси шаҳрига борманг, шундай манзара кўзга ташланади, яъни "Вино-водка", "Шароб-май". Барча ёмонликларнинг дебочаси бўлган спиртли ичимликлар дўконлари, баҳорги ёмғирдан кейинги қўзиқориндай кўпайиб кетди. Ўйлаб қоласан киши, демак шунча ароқ сотадиган дўконга эҳтиёж бор экан-да. Ахир, қарз-ҳаволасиз бинойидай ишлаб туришибди...

Ростан ҳам ўқишга вақт йўқми?

Аммо минг таассуфки, инсониятнинг минг йиллик билим ва маърифатини ўзида жамлаган китоб дўконлари спиртли ичимликлар сотиладиган дўконлардан кам. Баъзида атайлаб ўқимишли таниш-билимдим мумтоз ёки жаҳон адабиётимиз ҳақида фикрини сўрайман, бир хил жавоб: "Китоб ўқишга вақт йўқ".

Газета-журналларда чиқаётган ривожланган давлатлар ҳақидаги мақолаларни ўқиб бораман. Менга таъсир қилгани: "Миллатнинг тафаккур савияси қандай адабиёт ўқигани билан ўлчанади". Абдулла Қодирий ўз даврида бекорга "миллатимизнинг бой-бадавлат ўғлонлари илм-маърифатдан йироқ, чойхоналарда ароқ, пиво ичиш билан банд", дея бонг урмаганди. Бу балодан ҳали ҳам қутулмадик.

Бугун одамлар қандай китоб ўқиганликлари билан эмас, балки қимматбаҳо ресторан ёки кафеда фалон одам билан улфатчилик қилганини айтиб мақтанишга ўтишди.

Шукрки, давлатимиз раҳбарининг ўзи китоб ўқишга кўникма ҳосил қилиш кераклигини бот-бот таъкидлайдилар. Китоб мутолаасини қўллаб-қувватлашга оид махсус қарор чиқарган ўзимизнинг Юртбошимиздан ташқари, бошқа давлат раҳбарини билмайман. Зеро, тараққиётга, юксалишга элтувчи манзилга фақат китоб ўқиш, билим олиш билан борилиши тарихий ҳақиқат.

Лекин яна бир масала борки, адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев айтганидек: "Шундоқ ҳам ўқирманлардан кўра, ёзармонлар кўпайган замонимизда китоб нашрига 15 фоизли ҚҚС солиниши кўзда тутилаётгани китобхонлик маданиятини юксалтиришга берилган зарбага ўхшайди". Маънавиятни пулга чақиш, ундан даромад кўзлаш нечоғли тўғри?

Менга таъсир қилгани: "Миллатнинг тафаккур савияси қандай адабиёт ўқигани билан ўлчанади". Абдулла Қодирий ўз даврида бекорга "миллатимизнинг бой-бадавлат ўғлонлари илм-маърифатдан йироқ, чойхоналарда ароқ, пиво ичиш билан банд", дея бонг урмаганди. Бу балодан ҳали ҳам қутулмадик. Бугун одамлар қандай китоб ўқиганликлари билан эмас, балки қимматбаҳо ресторан ёки кафеда фалон одам билан улфатчилик қилганини айтиб мақтанишга ўтишди.

Бу масалада солиқчиларнинг тушунтиришларига кўра, чет эл тажрибасидан келиб чиқиб ушбу йўл танланган. Ажабо! Ахир ажнабий эркаклар юбка кийишни маъқул кўришса, буни ҳам жорий қилиш керакми, энди?!

Менимча, миллатининг келажагини ўйлаган ҳар қандай шахс маънавиятни қўллаб-қувватлаши шарт. Токи китоб ёзаётган ижод аҳли ёзганидан аввал ўзи баҳра олсин. Ана шундагина жаҳон адабиёти билан беллаша оладиган асарлар яратилади.

Ўтмиш тажрибасидан яна маълумки, энг ривожланган давлатларнинг маънавий таназзулга кетиши китобга бўлган муносабатларининг заифлигидан бошланган.

Бундан беш-олти йил олдин Андижон давлат университетининг фахрий профессори Сайфиддин Жалилов: "Маънавият, маънавият деймиз, аммо унга бўлган эътибор чорвачиликдан ҳам кейинги ўринда туради", деганди. Бугун Президентимизнинг ўзлари китобга қайтишни тарғиб қилаётган бир пайтда, биз зиёлилар ҳам китоб савдосини тартибга келтириб, ўз ҳиссамизни қўшайлик. Боласига китоб олиб бераман деган ота-она дўконга кирганда "арзонидан борми?" демасин.

Албатта, китобни барча ўқиши керак! Фарзанд оилада китоблар оламида улғайсагина, маърифатга интилиб яшашга одатланади. Улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин ақлини таниб-танимасдан кунини отасининг кутубхонасида ўтказганини эсланг.

Баъзи қасрга ўхшаш уйларга кириб, хонадонида биронта китоб йўқлигини кўриб хунобингиз ошади. Бундай хонадон эгалари ҳам четнинг фалон машинаси-ю фалон доллар турадиган мебели билан мақтанишни хуш кўришади. Энг ачинарлиси, уларнинг кўнглида осойишталик йўқ. Доим ташвишда яшашади. Одам осойишталикни — ҳаловатни китобдан олади.

Яқинда нуфузли идора раҳбарининг қабулига кириб салом-алик қилиб улгурмасимдан: "Бу йил мажбурий обуна йўқ. Агар шу масалада келган бўлсангиз, беҳуда овора бўлибсиз", деди. Ичимда: "Ўлма, жоним чидаб тур", дедим-да: "Майли, агар бу билан томорқамни шудгорлаб бераётгандек малол олаётган бўлсангиз, обуна бўлмай кўяқолинг", дейишдан нарига ўтмадим. Лекин кундалик матбуот нашрларини ўқимаган раҳбар одам маънавияти ҳақида нима дейиши мумкин? Йўқ, айтарли гап тополмайсиз. Аммо бирдан хаёлингизга: "Ана, коррупция қаердан келиб чиқаркан?" — деган ўй келади. Ахир, газета-журналлар маънавият-маърифат чироғи, одамни тўғри йўлдан адаштирмайдиган маёқ-ку!

Ҳар ким, ҳар куни китоб, газета-журнал ўқиш билан тафаккур уйига маънавият чироғини ёқиб борсин. Чунки, йўқотилган маънавий бойликнинг ўрнини қайта тиклаш жуда қийин. Зеро, бу туганмас хазинага йўл "игна билан қудуқ қазишдек" узоқ ва машаққатли эканлигини унутмаслигимиз керак.

Анваржон ҲАЛИМОВ,
журналист.

> Менга таъсир қилгани: "Миллатнинг тафаккур савияси қандай адабиёт ўқигани билан ўлчанади". Абдулла Қодирий ўз даврида бекорга "миллатимизнинг бой-бадавлат ўғлонлари илм-маърифатдан йироқ, чойхоналарда ароқ, пиво ичиш билан банд", дея бонг урмаганди. Бу балодан ҳали ҳам қутулмадик. Бугун одамлар қандай китоб ўқиганликлари билан эмас, балки қимматбаҳо ресторан ёки кафеда фалон одам билан улфатчилик қилганини айтиб мақтанишга ўтишди.

РАССОМ ХАНДАСИ

Муаллиф Ҳусан СОДИҚОВ.

Hurriyat
O'zingni angla!
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 5100
Буюртма — Г-165

1 2 3 4 5

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Топшириш вақти — 19⁰⁰
Топширилди — 21⁴⁰

ISSN 2181-0680

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ю.Жўраев. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.